Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 103 (7493). ● 27 май, 1981 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

МОСКВАГА ВИЗИТ БИЛАН КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Иордания Хошимийлар қироллигининг қироли Хусайн Бин Талал расмий дўстлик визити билан 26 май куни Москвага келди.

Аэродромда Ҳусайн Бин Талални КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Тихонов, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

25—26 май кунлари Москвада СССР Давлат хавфсизлиги комитети органлари ва қўшинлари раҳбар составининг давлат хавфсизлиги органларининг КПСС XXVI съезди қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладидан келиб чиқадиган вазифаларига бағишланган Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Ю. В. Андропов шу масала юзасидан доклад қилди.

Кенгаш ишида мажлис аҳли томонидан қизғин ва самимий қутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев қатнашди.

Кенгаш иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга табрикнома йўллаб, социалистик Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш борасида партия ўртага қўйган вазифаларни бажариш учун бутун кучларини сарфлайдилар, деб ишонтирдилар.

ИҚТИСОД ҚИЛИШНИ ЎРГАНАЙЛИК

СОЦИАЛИСТИК экономикамизнинг барқарор ривожланишини халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги моддий ресурслардан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш ҳақида қайғуришсиз тасаввур қилиш қийин. Мамлакатимизда, шу жумладан, областимизда қудратли иқтисодий потенциал вужудга келтирилган, тежамкорлик учун оммавий кураш берадиган самара ҳажми беқиёс даражада катта бўлган ҳозирги вақтда бу масаланинг салмоғи янада ортади.

Шунинг учун ҳам КПСС XXVI съездида халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги мавжуд бойликларнинг фойдасиз исроф бўлишига олиб келадиган барча нуқсонларни бартараф этиш, ҳар бир совет кишисида тежамкорлик ҳиссини кучайтириш, халқ мулкини кўз қорачиғидек сақлаш ҳақида ғамхўрлик қилишдек коммунистик хислатни тарбиялашни давр, тараққиётимиз, ўн биринчи беш йилликда мўлжалланган юксак марраларни эгаллаш манфаатлари тақозо этаётганлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

«Экономика тежамли бўлиши керак. Замон талаби ана шундай». КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партиямиз XXVI съездининг мукаддас минбаридан туриб айтган бу сўзлари барча совет кишилари қалбидан чуқур жой олди, уларнинг мавжуд моддий бойликлардан самарали фойдаланишдаги юксак масъулиятларини янада чуқурроқ тушунишларига олиб келди. Чунки, бизнинг бундан буёнги олға ҳаракатимиз барча мавжуд ресурслардан — меҳнат, асосий фондлар, ёқилғи ва хом ашёдан, дала ва фермаларнинг маҳсулотларидан моҳирона ва самарали фойдаланишга кўпроқ даражада боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам оддий ва шунчаки қундалик бир юмуш бўлиб кўринган иш — жамоат бойлигига омилкорлик билан муносабатда бўлиш, ўзимиздаги ҳамма нарсалардан тўла-тўкис, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш маҳорати иқтисодий сиёсатнинг ўзагига бўлиб қолмоқда.

Областимизда мавжуд халқ бойлигига тежаб-тергаб муносабатда бўлиш, исрофгарчилик, талон-тарожга йўл қўймаслик намуналарини ўнлаб меҳнат коллективлари мисолида кўриш мумкин. Бизда иқтисодий, сиёсий, техникавий ва ташкилий чора-тадбирлар комплексидан тежамкорлик йўлида фойдаланаётган корхоналар, ташкилотлар, колхоз, совхозлар анчагина бор.

Тошкент агрегат заводини ишлаб чиқариш-техника потенциалидан оқилона фойдаланаётган корхона сифатида ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин. Корхона маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари мутахассис кадрларнинг қобилиятидан ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида тўғри фойдаланмоқдалар, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг ижодий активлигини, ўз меҳнатининг тежамли бўлишидан моддий манфаатдорлигини ошириш йўлида қатор тадбирлар кўришди. Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формалари, жумладан, унинг бригада формаси, кўпстанокчилик, мураббийчилик ҳаракатлари кенг жорий қилиниди, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл меҳнати сарфини камайтириш юзасидан анчагина ишлар амалга оширилди. Натижада ўнинчи беш йилликда ишлаб чиқаришнинг механизация даражаси 82, асосий цехларда 90,2 процентга етди. Бундан юзларча минг сўмлик иқтисодий самара кўрилди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1-уйсозлик комбинати, Ангрендаги кўмир разрези, «Ташсельмаш» заводи ва бошқа қатор корхоналарда ҳам иқтисодий тежамкорлик учун кураш дуруст йўлга қўйилган, бу эса шу коллективлар фаолияти, техник-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Областимизда моддий, молиявий, меҳнат ресурсларидан яхши фойдаланиш юзасидан мусобақанинг иччил ташкил этилиши туфайли ўтган беш йиллик мобайнида 740 миллион киловатт-соат электр энергияси, 850 минг гигакалорий иссиқлик энергияси ва қўплаб бошқа материал ҳамда хом ашё турларн тежаб қолинди.

Тажриба барча корхоналар ва ташкилотларда моддий, ишчи кучи, иш вақти ресурсларига омилкорлик билан муносабатда бўлишга эришиш мумкинлигидан далолат бериб турипти. Лекин, ҳамма коллективларда ҳам бу имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Бу соҳада ўзибўларчилик, юксак масъулиятни сезмаслик тўғрироги, уни назар-писанд қилмаслик ҳоллари ҳам учрамоқда. Ўнлаб саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари тежамкорлик бўйича планнинг уддасидан чиқмаётганлигини шу билан изоҳлаш мумкин.

Масалан, ўтган йили биргина саноат маҳсулоти таннархининг ортиб кетишидан кўрилган зарар деярли 51 миллион сўмдикни ташкил этди, 60 корхона маҳсулот таннархининг ошиб кетишига йўл қўйди. 4,4 миллион сўмлик маҳсулот бракка чиқарилди. Фойдасиз ҳаражатлар 1 миллион сўмлик маблағнинг бекор йўқотилишига сабаб бўлди. Айниқса, Бекобод металлургия заводи, Ангрен керамика комбинати кўп миқдорда бракка йўл қўйдилар. Қатор ғишт заводлари бошқармалари, темирбетон конструкцияларн ва деталлари, пахта тозалаш заводлари, қурилиш, автотранспорт ташкилотларида ҳам давлат маблағларининг ортиқча сарфланишига йўл қўйилди.

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки квартали якунларн ҳам ўнлаб саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида моддий ресурслардан, ишлаб чиқариш потенциали ва ишчи кучидан фойдаланишда каттакатта камчиликлар содир бўлаётганлигини кўрсатиб турипти. Шундай нуқсоларни бартараф этиш ва такрорланмаслиги учун зудлик билан барча чораларни кўриш керак.

Экономиканинг тежамли бўлиши учун кураш қисқа муддатли кампания эмас. Бу масала доим хўжалик органлари, партия, совет, касаба союз ташкилотлари, ишлаб чиқариш коллективларининг диққат марказида турмоғи керак. Она-Ватанимиз куч-қудратининг, халқимиз фаровонлигининг асоси бўлган моддий бойликларнинг исроф бўлишига ҳар қандай шароитда ҳам йўл қўймаслик шу куннинг талабидир.

Областимиз меҳнаткашлари бу йил моддий-техника ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш эвазига 156 миллион киловатт-соат электр энергияси, 197 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 12 минг тонна қора металл, 6 минг тонна автомобиль бензини, 3 минг тонна цемент, 5 минг куб метр ёғоч-тахта ва бошқа материалларни тежаб қолиш мажбуриятини олишган. Эл-юрт олдида берилган ана шу ваъданинг тўла ва знёдаси билан бажарилишига ҳисса қўшиш барча меҳнат коллективларининг шарафли иши, муқаддас бурчидир. Бунинг учун ҳамма жойда хом ашё ва ёқилғи ҳар бир граммининг ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаслик, ҳар бир деталь, иш вақтининг ҳар бир дақиқаси, халқнинг ҳар бир тийинини қадрлаш керак. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги оширишнинг муҳим омили—тежамкорлик учун кураш барча меҳнат коллективлари фаолиятининг қонуни бўлиб қолмоғига эришиш, ҳамма жойда кам маблағ, хом ашё ва материал сарфлаб, кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш даркор.

Экономиканинг тежамли бўлиши учун кўпдан-кўп мавжуд резервлар ва имкониятлардан фойдаланишни таъминлаш, бу иш устидан муттасил назорат олиб бориш маҳаллий партия, совет, касаба союз ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети районлар, совхозлар, колхозлар ўртасида ем-хашак тайёрлаш бўйича ўтказилаётган мусобақанинг 1981 йил 15 майгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Тошкент районига (район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Т. Толипов, раиси Э. **Худойберганов**, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Р. Усмонова**, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзлари район комитетининг раиси **Р. Тошпўлатов**, район комсомол комитетининг секретари **С. Аъзамов** ўртоқлар). Бу район дағал хашак тайёрлаш йиллик топшириғини 43,8 процент, шу жумладан сенаж бостиришни 84,7 процент, ўт уни тайёрлашни 7 процент бажарган.

Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозга (директори А. Е. Бакиров, партия комитети секретари А. Самариддинов, ишчилар комитетининг раиси Г. Режапов, комсомол комитетининг секретари Б. А. **Тоғаев** ўртоқлар). Бу совхоз дағал хашак тайёрлаш йиллик топшириғини 67,8 процент, ўт уни тайёрлашни 101 процент бажарган.

Ғалаба районидаги Энгельс номли колхозга (раиси **В. С. Ким**, партия комитетининг секретари **Ж. Турсунов**, касаба союз комитетининг раиси **А. А. Ким**, комсомол комитетининг секретари **К. Эшмуродов** ўртоқлар.) Бу колхоз дағал хашак тайёрлаш йиллик топшириғини 45,7 процент, сенаж бостиришни 112,5 процент, ўт уни тайёрлашни 10 процент бажарган.

Область план бўлимига илғорларга сотиш учун Тошкент районига, Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозга, Ғалаба районидаги Энгельс номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

МЎЛ ВА ЭРТАКИ ПАХТА ЕТИШТИРАМИЗ

КУНИ КЕЧА хўжалигимизнинг марказий участкасида жойлашган Ким Ен Чер бошлиқ бригада даласидан хушхабар келди. Айрим карталардаги ғўзалар тўртинчи чинбарг чиқарибди. Юзаки қараганда бу оддий ҳолдек туюлади, албатта. Аммо бу йилги шароитда ғўза ниҳолларининг ана шундай эртаги бўлиб, жадал ривожланаётганлиги ҳаммада яхши кайфият уйғотди, мўл ҳосилга умид бахш этди.

Районимиз шимол зонада жойлашганлиги учун областдаги бошқа хўжаликларга нисбатан ҳар йили бир ҳафта, ўн кун кейин чигит экамиз. Бу йил эса ёғингарчилик сероб бўлиб, бу муддат яна бироз чўзилди. Шундай бўлса-да, 10 апрель куни аввалдан пухта созлаб қўйилган экиш агрегатларининг ҳаммасини далаларга олиб чиқиб, 15 апрель куни 1152 гектар майдонга уруғ қададик. Қисқа вақт ичида сифатли қилиб экилган уруғ тез ва текис униб чиқди.

Сўнгги йилларда ҳамма пахта майдонларимизда туксизлантирилган чигитни ўзларга аниқ ташлаб экиш усулини қўллаётганлигимиз яхши фойда бераяпти. Биринчидан, жуда кўп қўл кучи ва вақт талаб қиладиган ягана ишларига деярли эҳтиёж қолмаяпти. Натижада ягана қилинадиган пайтда колхозчиларни оммавий сафарбар этиб, ғўзаларни бегона ўтдан тўла тозалаб олялпмиз. Ундан ташқари ниҳолларнинг ости яхши юмшаб, қатқалоқдан зарар кўрмаяпти. Кўчатлар бўлиқ, гектарлар тўлиқ бўляпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, область пахтакорлар совети зарур бўлган пайтларда муҳим Тавсиялар эълон қилиб, бизга катта ёрдам бераётир. Бу йил ҳам ана шу тавсияларга қатъий амал қилиб иш тутаётганлигимиз учун ҳозир ғўзаларимизнинг ривожи кўнгилдагидек.

Область пахтакорлар советининг май — июнь ойларида қўлланилиши лозим бўлган агротехник тавсияларида кўчат қалинлиги ер шароитига мос ҳолда бўлиши алоҳида уқтирилган. Жумладан, бу йил областимизда ғўзанинг ўртача қалинлиги 120—130 минг туп бўлиши мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланади. Бундай норма бизнинг ер шароитимизга ҳам анча мос келади.

> Масалан, хўжалигимизда унумдор қора тупроқли ҳамда кам қувватли қўмлоқ ва тошлоқ ерларимиз ҳам бор. Ҳатто, баъзи бригадаларимизда ёнма-ён жойлашган карталар ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Шунинг учун биз область пахтакорлар совети тавсияларига таяниб, кўчат қалинлигини 115 минг туплан 130 минг тупгача бўлишини таъминлаймиз.

Бу йилги шароитда ғўза қатор ораларини юмшатиш катта омилкорлик ва маҳорат талаб қилади. Чунки, ёғингарчилик сероб бўлгандан ниҳоллар тагини қайта-қайта юмшатишга тўғри келяпти. Агар эҳтиёт бўлинмаса, ёш ниҳоллар қатқалоқ билан бирга кўчиб кетиши ёки йирик кесаклар остида қолиб нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун тавсияларда таъкидланганидек, культиваторларга ишчи органларини мумкин қадар кўпроқ осишга ҳаракат қилдик. Шу йўл билан етилган тупроқни жуда майин юмшатишга эришдик.

> Шу кеча-кундузда далаларда кунига 18—20 та культиватор юксак унум билан ишлаб турипти. Бугун — эрта иккинчи культивацияни ҳам ниҳоясига етказиб, ғўза ниҳолларини биринчи марта озиклантиришни бошлаб юборамиз. Сувчиларимиз дастлабки сувни 25—30 май оралиғида тарашни мўлжаллаб турибдилар. Бунинг учун ҳамма далаларда қизғин тайёргарлик кўрилляпти. Ўқариқлар олинмоқда, картага сув кирадиган алмақлар очиляпти ва оқава сув чиқиб кетадиган йўллар аниқланиб, тайёрлаб қўйилляпти.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ғўзага бутун вегетация даврида бериладиган озуқа экиннинг ёш пайтида ҳамда ҳосил тўплаётган даврида ишлатилса ўғитнинг самараси янада юқори бўларкан. Ғўза ниҳоллари ёшлигиданоқ бақувват бўлиб ўсади, ҳосил тугунчалари кўпаяди, кўсаклар йириклашади. Шуни ҳисобга олиб, бу йил биз, сўнгги озуқлантиришни июль ойининг иккинчи ўн кунлигида, кечи билан 25 июлларгача ўтказишни планлаштириб қўйдик.

Ҳозирги об-ҳаво шароити ҳар хил зараркунанда ҳашаротларнинг, айниқса, шира ва трипснинг оммавий ривожланиши ва тез тарқалиши учун қулай бўляпти. Хўжалигимиз далаларида бу зараркунандалар тарқала бошлаганлиги кузатилляпти. Аммо, биз буни аввалдан билганлигимиз учун зарур тайёргарлик кўриб қўйганмиз. Кузатувчиларимиз ҳар куни пахтазорларни айланиб, касаллик ва зараркунанда пайдо бўла бошлаган жойларни аниқлаб, вақтида сигнал бериб туришибди. БИ-58 препарати билан ОВХ-14 пуркагичи ёрдамида ғўзаларга ишлов бермоқдамиз. Натижада шира ва трипс оммавий тарқалаётган карталар йўқ.

Дала ишларини тез ва сифатли ўтказиш мақсадида участка ва бригада коллективлари, шунингдек механизатор ва оддий колхозчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Масалан, оддий колхозчилар ўртасида ташкил этилган мусобақага ҳар беш кунда якун ясаб борилляпти. Типовой дала шийпонларимизда мусобақа ғолиблари шаънига шуҳрат байроқлари кўтарилади. Мусобақанинг ошкоралиги туфайли колхозчиларимизнинг меҳнат активлиги ошмоқда.

Илғор бригадалар ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Ҳозир Петр Ким, Раҳим Сотибалдиев, Тожикул Холиқуловлар бошқараётган бригада коллективлари ўзаро меҳнат беллашувининг олдинги сафида бормоқдалар.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларига амалий иш билан жавоб беришга қатъий қарор қилган колхозимиз пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни 45 центнерга етказиб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларининг муддатидан илгари ортиғи билан бажарилишига мустаҳкам пойдевор яратиш мажбуриятини олдилар. Ваъдани ёруғ юз билан бажариш учун олдимизда турган қатор агротехник тадбирларни ўз вақтида обн-тобида бажаришимиз лозим бўлади. Буни тўғри тушунган колхозимиз меҳнаткашлари куч-ғайратларини дала ишларини сифатли бажаришга қаратиб, мўл ва эртаги ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Т. В. ЭМ,
Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг раиси.

ЮЗ ЦЕНТНЕРНИ КЎЗЛАБ...

Кейинги йилларда колхозимизда маккажўхоризорлар кенгайиб бормоқда. Бу йил биз 170 гектар майдонда дон учун маккажўхори етиштирмоқдамиз. Областимиз илғор маккажўхоричиларининг ташаббусига кўшилиб, дон ҳосилдорлигини 100 центнерга етказиш мажбуриятини олдик.

Бригадамиз аъзоларининг бутун куч-ғайрати далаларда бу ҳақда яраша мўл ҳосил етиштиришга қаратилган. Улар экин парваришини юксак агротехника қоидалари асосида олиб бораётирлар. Механизаторларимиз маккажўхори қатор ораларини икки марта юмшатиб чиқдилар. «Дала маликаси» минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйдирилмоқда.

Аҳли борнинг—бахти бор. Маккажўхорикорларим из ҳам ўз сўзаларининг устидан чиқиш учун янада ғайрат қиладилар. Экинни культивация қилиш, озиқлантириш ва суғоришни ўз вақтида сифатли ўтказиб, уни барвақт ривожланишини таъминлаймиз.

Н. ЮСУФАЛИЕВ,
Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область Ҳурмат тахтасига ёзиладилар.

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАН:

Абдурахмонов номли совхоз (директори А. Одилов, партия ташкилоти секретари А. Мирзаев, ишчилар комитети раиси Б. Омонтурдиев, комсомол комитети секретари А. Абдувалиев, пиллачилик агротехниги Ш. Мусаева).

«Тошкент» совхози (директори Т. Тўхтабоев, партия ташкилоти секретари М. Усмонов, ишчилар комитети раиси Р. Талаев, комсомол комитети секретари А. Усмонов, пиллачилик агротехниги С. Пўлатов).

«Ленинград» совхози (директори Г. Валиев, партия ташкилоти секретари Х. Муротов, ишчилар комитети раиси М. Авлешов, комсомол комитети секретари Р. Дадабоев, пиллачилик агротехниги А. Набиев).

Собир Раҳимов номли колхоз (раиси Қ. Латипов, партия ташкилоти секретари Д. Каримжонова, касаба союз комитети раиси В. Ҳамидов, комсомол комитети секретари Р. Тоиров, пиллачилик агротехниги В. Юнусов).

Ленин номли колхоз (раиси Г. Умаров, партия ташкилоти секретари А. Умаров, касаба союз комитети раиси А. Абдуллаев, комсомол комитети секретари К. Ражабов, пиллачилик агротехниги М. Сафоева).

БЕКОБОД РАЙОНИДАН:

Навоий номли колхоз (раиси А. Султонов, партия ташкилоти секретари Э. Эргашев, касаба союз комитети раиси И. Қурбонов, комсомол комитети секретари Х. Омонқулов, пиллачилик агротехниги Э. Турсунбоев).

«Победа» колхози (раиси А. Деҳқонов, партия ташкилоти секретари Б. Ўтамов, касаба союз комитети раиси Р. Пармонов, комсомол комитети секретари Д. Мустофоқулов, пиллачилик агротехниги У. Жиянов).

Ленин номли колхоз (раиси Ҳ. Ҳамроқулов, партия ташкилоти секретари В. Хам, касаба союз комитети раиси О. Ҳожимирзаев, комсомол комитети секретари А. Алимбеков, пиллачилик агротехниги М. Алиқулова).

«Ленинград» совхози (директори Х. Қаҳрамонов, партия ташкилоти секретари Н. Бердибоев, ишчилар комитети раиси М. Ширинов, комсомол комитети секретари Х. Табақобилов, пиллачилик агротехниги Ғ. Қўшбеков).

«Авангард» совхози (директори Т. Усмоналиев, партия ташкилоти секретари М. Маматов, ишчилар комитети раиси М. Жўраев, комсомол комитети секретари Р. Маматқулов, пиллачилик агротехниги Х. Маматқосимов).

Дзержинский номли колхоз (раиси Қ. Эгамназаров, партия ташкилоти секретари А. Маматмўродов, касаба союз комитети раиси Б. Жўраев, комсомол комитети секретари С. Деҳқонов, пиллачилик агрономи А. Тўрақулов).

«Коммунизм» колхози (раиси Н. Абдурахимов, партия ташкилоти секретари А. Бобоев, касаба союз комитети раиси В. Маматқулов, комсомол комитети секретари Э. Дўстматов, пиллачилик агротехниги А. Қушматов).

«Октябрь 46 йиллиги» совхози (директори В. Кушмалов, партия ташкилоти секретари М. Юнусов, ишчилар комитети раиси Р. Пак, комсомол комитети секретари Х. Разаматов, пиллачилик агротехниги Р. Ўлмасов).

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАН:

Калинин номли колхоз (раиси Р. Отабоева, партия ташкилоти секретари Э. Ражапов, касаба союз комитети раиси Г. Ахмедова, комсомол комитети секретари Х. Матқаримова, пиллачилик агротехниги Д. Сопиов).

Ҳ. Турсунқулов номли колхоз (раиси У. Жўраев, партия ташкилоти секретари Ж. Соипназаров, касаба союз комитети раиси И. Назаров, комсомол комитети секретари А. Отахонов, пиллачилик агротехниги С. Наврўзов).

Н. Ниёзов номли колхоз (раиси Ф. Мадалиев, партия ташкилоти секретари Ш. Норматов, касаба союз комитети раиси М. Ёқубов, комсомод комитети секретари М. Нурматов, пиллачилик агротехниги Я. Мадалиев).

Ленин номли колхоз (раиси Н. Авазов, партия ташкилоти секретари Ш. Абдукаримов, касаба союз комитети раиси К. Тожибоев, комсомол комитети секретари Т. Хидиров, пиллачилик агротехниги Х. Расулов).

«Партия XXI съезди» колхози (раиси М. Мараҳимов, партия ташкилоти секретари Р. Деҳқонов, касаба союз комитети раиси Ғ. Ҳакимов, комсомол комитети секретари А. Абдусатторов, пиллачилик агротехниги М. Адиров).

«Кизил Октябрь» колхози (раиси Ж. Очилов, партия ташкилоти секретари М. Аҳмедов, касаба союз комитети раиси Я. Эгамбердиев, комсомол комитети секретари Р. Темиров, пиллачилик агротехниги А. Абденов).

БРИГАДА НАРЯДСИЗ ИШЛАЯПТИ

ИНТЕНСИВЛАШТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ, ЙЎЛЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакат қишлоқ хўжалигида рўй берган ўзгаришлар, шубҳасиз, бизнинг областимизда ҳам содир бўлди. КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленумидан кейин колхоз ва совхозларнинг техникавий қуролланиши ўсди. Ҳатто ўртача хўжалик ҳозирги пайтда бир вақтлар бутун районда бўлганидан ҳам кўп техникага эгадир. Фақат ҳайдов ва чопиқ тракторлари 13 мингга етади. Минерал ўғитлар, гербицидлар етказиш кўпайди. Моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, табиийки, маҳсулот етиштиришни ошириш имкониятини беради. Шу билан бирга, КПСС XXVI съездида таъкидланганидек, ресурслардан оқилона, моҳирона фойдаланиш, самарадорлик ва иш сифатини ошириш катта роль ўйнайди.

Ўнинчи беш йиллик якунларини таҳлил қилар эканмиз, қайси колхоз ва совхозларда меҳнатни ташкил этиш ҳамда рағбатлантириш ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари билан узвий боғлиқ бўлган формалари жорий этилса, ўша ерда хўжаликни бошқариш даражаси юқори эканлигини кўрамиз.

Гап доимий, хўжалик ҳисобидаги йириклашган меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд-мукофотли бригадалари ҳақида кетяпти. Биз уни одатда маҳсулот сифати ва миқдорига нарядсиз ҳақ тўлаш деб аталмиз.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни бригада формасида ташкил этиш — янгилик эмас, бу форма совхозлар ва колхозлар билан бирга пайдо бўлган. Аммо пахтачилик бригадаси, айтайлик, 20 йил олдин қанақа эди? Унинг доимий аъзолари фақат сувчилар бўлган, албатта. Механизаторлар эса техниканинг етишмаслиги туфайли бир неча бригадаларга хизмат кўрсатишган. Равшанки, иш ҳақи асосан ҳайдалган, культивация қилинган гектарларга боғлиқ бўлган. Бу пировард натижада ҳосилдорликнинг ошишини секинлаштирган ва маҳсулот таннархининг қиммат бўлишига олиб келган.

Бугунги бригада — бу бошқача формада ишлайди. Мисол учун, 100 гектарлик пахта майдонига барча зарурий тупроққа ишлов берувчи қурилмаларга эга бўлган иккита ҳайдов трактори, пахта териш машинасидан эса иккита, баъзан учта ажратилади. Доимий ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланмиш коллектив экишдан тортиб то далаларни тозалашгача бўлган иш комплексини тўла бажариши ҳамда пировард иш натижаси — ҳосилдорлик ва пахта таннархига кўра мукофот олиши учун шароитлар яратилган.

Область ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларига етиштирилган маҳсулотга ҳақ тўлайдиган хўжалик ҳисобидаги бригада принципини жорий этишда кўплаб қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Биз янгиликнинг афзаллигини фақат пропаганда қилиш билан ишни олдинга силжитиб бўл маслигига ишонч ҳосил қилдик. Бундай бўлинмаларни тузиш юзасидан катта ташкилотчилик ишларини амалга ошириш, уларга узлуксиз ёрдам бериш керак.

Областда биринчилардан бўлиб қўриқ Ленин йўли райони даги Ленин номли совхоздан Ч. Ҳасанов хўжалик ҳисобидаги механизациялашган нарядсиз бригадага бошчилик қилди. Йигирма кишидан иборат бу коллективга техника, инвентарлар биркитилди. Бригаданинг совхоз дирекциясига бўлган муносабати шартномада расмийлаштирилди: бригада гектаридан 33 центнердан ингичка толали пахта йиғиштирилса, дирекция эса — бригадага барча иш шароитларини таъминлаш ҳамда етиштирилган маҳсулотга унинг харид нархидан 33 процент ҳисобида ҳақ тўлашга аҳд қилди. Амалда ўша йили коллектив гектаридан 52,2 центнердан пахта етиштирди ва йиғиштириб олди ҳамда асосий иш ҳақига қўшимча тарзда ҳар бир сўмга 1 сўму 17 тийиндан ҳақ олди, бу ҳам шартномада кўрсатилган эди. Бу бригаданинг ҳар бир аъзосига ойига ўртача қарийб 350 сўм демакдир.

Аммо гап фақат иш ҳақида эмас. Бир гектар экинзордан пландаги 2 минг сўмлик ўрнига 3468 сўмлик маҳсулот олинди. Бир центнер пахта етиштириш учун топширилган кўзда тутилган 27 киши-соати ўрнига 15 киши-соат сарфланди.

Ўша йили Шеробод районидаги Партия XXV съезди номли совхозидаги барча кўрсаткичлар бўйича ўртача Т. Хўжанов бригадаси иш ҳақи тўлашнинг нарядсиз системасига ўтказилди. Бригада янгича ишлаб, меҳнат унумдорлигини 12 процентга оширган ҳолда беш центнер кўшимча ҳосил берди, бир центнер пахта учун кетган ҳаражат 4,3 киши-соатига камайди ва тегишли тарзда иш ҳақи ошди.

Биз хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар, бригадирларни меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формаси афзаллигига конкрет мисоллар орқали ишонтирдик. 1979 йилда областда 200 дан зиёд нарядсиз пахтачилик бригадаси ишларди. Йил пахтачилик учун ниҳоятда қийин келганди, аммо бригадалар синовдан яхши ўтишди: ҳосилдорлик 20 процент юқори бўлди, бир центнер пахта учун кетган харажат 18 процентга камайди.

Обком бюро аъзолари колхоз ва совхозларда бўлганларида меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янги системаси қандай жорий этилаётганлиги билан доимо қизиқишди, камчиликларни бартараф этишга ёрдам беришди. Илғор тажрибани кенг оммалаштиришда область ва район газеталари, радио ва телевидение кўмаклашди.

Нарядсиз бригадаларнинг афзаллигини характерловчи рақамлар аққол кўриниб турарди, аммо ишнинг психологик томонини очиб бериш керак эди. Одамларни ўз ишига яхши муносабатда бўлишга нима мажбур қилади? Гектарларга қараб ҳақ тўлаш индивидуализмнинг ўзгинаси эди, ўз нормангни бажардингми, қолгани менга тегишли бўлмаса керак. Пировард натижа — бўйича ҳосилга ҳақ тўлаш одамларда коллективизм руҳини ривожлантиради. Бу ўз-ўзидан тушунарли: эндиликда ҳар қандай одам бригадасидаги ўртоғидан қандай ишлаганлигини сўрашга ҳақли, иш ҳақи коллективга ҳам, унинг шахсий меҳнатига ҳам ўзаро боғлиқ эканлигини ҳамма тушунади. Ўзаро талабчанлик ва ўзаро ёрдам — бригадаларнинг нарядсиз ишлашдаги энг ажойиб томони бу.

Яна бир афзаллик ҳақида: илгари бизда иқтисодий ўқув, айниқса, механизаторлар, сувчиларнинг ўқуви дуруст аҳволда эмасди. Иш нормаси ва унга ҳақ тўлаш маълум эди — жами экономика ана шундан иборат. Кўпчилик шундай мулоҳаза юритарди. Хўжалик ҳисобидаги бригадаларда одамларнинг ўзи иқтисодий ва агротехник билим олишга интилишди. Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янги системасини ўрганадиган тўгараклар ва мактаблар ташкил этилди.

Биз эндиликда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассисларнинг диққатини ишлаб чиқаришни бошқаришдаги шахсий масъулият ошаётганлигига қаратамиз. Гап фақат бригадалар билан қилинган шартномаларда ёзиб қўйилган мажбуриятлар — далани етарли сув, ўғит, заҳаркунанда ва касалликлардан ҳимоя қиладиган воситалар билан ўз вақтида таъминлашда эмас. Бу ўз-ўзидан тушунарли: шартномага амал қилиниши керак. Хўжалик раҳбарларининг хатоси туфайли ҳосилни кам олмаслиги, одамлар эса — иш ҳақини кам олмаслиги учун агротехника, технология бўйича бригадаларга бериладиган барча маслаҳатлар, тавсиялар, кўрсатмалар пухта ўйланган, фан ва илғор тажрибага мос бўлиши керак.

Дарвоқе, бригаданинг хўжалик ҳисобини колхознинг, совхознинг хўжалик ҳисобига янада узвий боғлаш, хўжаликларнинг раҳбарлари нарядсиз бригадада ишлаётганда ҳатто ва нуқсонлар юзасидан зиммасига тушадиган масъулиятини қайси йўллар билан ошириш устида ўйлаяпмиз. Бу масала мураккаб, фаннинг актив ёрдамисиз уни ҳал этиш қийинлиги кўриниб турибди.

Ҳозир область колхоз ва совхозларида комплекс механизациялашган саккиз юздан зиёд бригада нарядсиз ишлаяпти. Бунинг устига иш ҳақи тўлашнинг янги системаси пахтачиликдан сабзавотчилик, полизчилик, озуқакорликка дадил ўтмоқда. 1980 йил ва ўнинчи беш йилликда область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари барча кўрсаткичлар бўйича планларни ошиғи билан бажаришди. Бунда меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлашга ўтиш айнан катта роль ўйнади.

Янги беш йиллик янада мураккаб вазифаларни олдинга қўйяпти. Бизнинг областимиз учун — бу вазифалар пахта, айниқса, ингичка толали пахтанинг қимматли навларини етиштиришни янада кўпайтириш, шунингдек, ўзимизда озуқа базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш асосида чорвачиликни юксалтиришдан иборатдир. Ютуқларга эришишда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ёрдам беради. Биринчи навбатда йириклашган, 250—300 гектар экин майдонига эга бўлган «алмашлаб экиш бригадалари»ни ташкил этиш қўл келади. Бундай коллективлар айрим колхоз ва совхозларда ишлаб турибди. Бунинг афзаллиги шундаки, пировард натижа фақат бирор йилнинг якунига кўра эмас, балки пахта-беда алмашлаб экишнинг бутун даврига қараб аниқланади.

Йириклашган бригадаларда мустаҳкам партия группалари ва цех партия ташкилотлари тузилади. Меҳнатни ташкил этишнинг янги системасини жорий этиш бўйича иш яхши ташкил этилади, унинг маънавий ва моддий рағбатлантирилиши йўлга қўйилади. Обкомнинг, райкомларнинг асосий вазифаларидан бири эндиликда партия группалари ва цех партия ташкилотлари тепасида ташаббускор, жанговар, обрўли раҳбарлар туришидадир.

Пировард натижага кўра меҳнатга ҳақ тўлаш жорий этилганда, айниқса, йириклашган бригадаларда бригадир кадрларга ёндошиш энди ўзгача. Бригадаларга мутахассислар, агроном ёки инженер, техник, механизатор, бошчилик қиляпти. Қишлоқ хўжалигидаги кадрлар бор. Бугунги кунда бригадирларнинг учдан бир қисми — дипломли мутахассислардир. Аммо бригадирлар ишлаб чиқаришнинг яхши ташкилотчиси ва иқтисодий жиҳатдан фикр юритадиган кишилар бўлиши керак. Шунинг учун область ва район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари ва мутахассислари уларнинг ўқишини пешқадам нарядсиз ишлайдиган бригадаларнинг конкрет тажрибасида ташкил этишга катта эътибор беришяпти.

Ўйлаймизки, нарядсиз бригадалар тажрибасини оммалаштиришда марказий нашриётлар, радио, телевидение катта роль ўйнаши мумкин. Бизнинг назаримизда, бундай коллективларнинг иш тажрибасини умумлаштириш бўйича даврий зонал ва бутуниттифоқ кенгашлари фойдадан ҳоли бўлмас эди.

А. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари.

(«Правда» 25 май).

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ — ҲАММА УЧУН

ҲАММА ТИНГЛОВЧИ ИШТИРОКИДА

— Кейинги дарсда амалий машғулот ўтказамиз,— деди навбатдаги суҳбатга якун ясар экан иқтисодий таълим мактаби пропагандисти А. Шоакбаров.—Унда КПСС XXVI съезди материалларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш бўйича кўрсатмалар ҳақида фикрлашамиз.

Тингловчилар амалий машғулотга пухта тайёргарлик кўришди. Съезд материалларини ўрганиш билан бирга ўзлари меҳнат қилаётган коллектив олдида турган вазифаларни яна бир марта таҳлил қилиб чиқдилар, партия кўрсатмалари асосида ўз ишларини қандай ташкил этишлари кераклиги юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билан келдилар...

Мана бир неча йилдирки, СоюзНИХИ марказий тажриба базасида иқтисодий таълим мактаби самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Мактаб машғулотларига илғор коммунистлар, бригада бошлиқлари ва идора ходимларидан 26 киши жалб этилган.

Пропагандист аниқ план асосида иш олиб боради. Машғулотларнинг жонли, ҳаёт билан боғлиқ мисоллар билан боғлаб ўтказилиши тингловчиларга иқтисодий таълим асосларини пухта эгаллашда яхши ёрдам беряпти.

— Бизда машғулотлар лекция ёки суҳбатларнинг ўзи билангина чекланиб қолмайди, — дейди А. Шоакбаров. — Биз аввало тингловчиларнинг машғулотларда тўла қатнашишларига эришиш учун курашяпмиз. Амалий машғулотларда ҳам улар актив иштирок этмоқдалар. Бу иқтисодий таълим самарадорлигини оширишга ҳиссат қилмоқда.

Чиндан ҳам мактабда иқтисодий билимлар кундалик вазифалар билан чамбарчас боғлаб олиб борилиши яхши натижаларни бермоқда. Тингловчилар билими ошган сари бригадаларда меҳнат унумдорлиги ўсмоқда. Техникадан ўринли фойдаланиш, сарф-ҳаражатларни иқтисод қилиш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланишни илмий асосда ташкил этиш янада яхшиланиб бормоқда. Чунончи, Б. Елтимбоев бошчилик қилаётган 1-бригадани олайлик. Коллектив аъзолари ўтган йили пахта ҳосилдорлигини пландаги 31,3 центнер ўрнига 37 центнерга кўтариш, меҳнат унумдорлигини 13 процентга оширишга муваффақ бўлдилар. Мавсумда 3734 сўм давлат маблағини тежаб қолдилар. Бу эса бригада ишчиларининг ойлик иш ҳақини пландаги 200 сўм ўрнига 250—260 сўмга етказишга имкон берди.

Бригада бу йил пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун курашмоқда. Трактористлардан А. Маметов, С. Маметов, ишчилардан Е. Холдоров, У. Холов, Т. Амеров ва бошқалар алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Шунисн диққатга сазоворки, улар иқтисодий таълим системасида ҳам ўз билимларини мустаҳкамлаб боришяпти.

Илғор коллективлар ўз олдиларида турган вазифаларни бажаришда иқтисодий ўқув катта ёрдам бераётганлигини чуқур ҳис этмоқдалар. Цех партия ташкилоти мактаб ишини янада яхшилаш тадбирларини кўрмоқда. Партия бюроси маърузаларида пропагандистлар ва тингловчиларнинг ҳисоботлари тезтез муҳокама қилинмоқда, ахборотлари тинглаимоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга йўналтирилгандир.

У. НИЁЗОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ЧИРЧИҚ БЎЙИДА ЁНАР ЧИРОҚЛАР

ОФТОБНИНГ илиқ ҳароратидан тоғ чўққиларидаги қорлар эриб, нуқра жилғалар ҳосил бўлади. Жилғалар шалолаларга, шалолалар эса дарёларга айланади. Дарё ўтган жойда ҳаёт гуркирайди. Табиатнинг сўлим обидалари дарёлар ёқасида қад кўтаради. Бутун бир ўлкага сув ва нур беради. Шоирларга илҳом бағишлайди. Бўстонлиқ... Бир оғиз сўз бу. Бир оғиз сўз-у, бироқ унинг гўзаллиги, тасвирини минг сўзда ҳам бериш мушкул. Тоғлар оғушида қарор топган бу диёрга табиат ажиб чирой бахш этган. Чўққиларга кифтини қўйган саёқ булутлар ҳам, улар орасидан юз кўрсатадиган қуёшнинг марварид табассуми ҳам бу ерда латофатлидир.

Чирчиқ дарёсини айтмайсизми? У азамат қоялар бағридан йўл топиб, ҳамиша олға интилади. Чирчиқ орқага қайрилишни билмайди. Аммо, Инсон олдида бўйсунмайдиган куч оламда жуда кам. Инсон куч-қудрати, ақлзаковати билан катта ишлар амалга оширилади. Бўстонликда ҳам шундай бўлди: дастлаб Чорвоқ ГЭСи қад кўтарди. Бу нур манбаини ҳаракатлантирувчи сув ҳавзаси — Чорвоқ денгизига 2 миллиард кубометр оби-ҳаёт тўпланади. 600 минг киловатт электр энергия ишлаб чиқаркади. Чорвоқ ГЭСидан сўнг Хўжакент ГЭСи қуриб битказилди.

Чирчиқ — нур ва барака дарёси. Ана шу асос дарё устида яна бир нурхона бунёд этилмоқда. У—Ғазалкент ГЭСи. Бу нурхона Чорвоқ ГЭСидан қуйироқда, ён атрофи адирликлар билан туташиб кетган жойда вужудга келяпти. Ғазалкент ГЭСида қаҳрамонона меҳнат намуналари кўрсатилмоқда. Азамат қурувчилар ва монтажчилар бу ерда умумий қуввати 420 минг киловатт бўладиган электр станция яратаётирлар. Бунёдкорлар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида республикамиз энергетикаси қудратини янада оширишга муносиб ҳисса қўшиб, станциянинг биринчи агрегатини энергетиклар кунига, ленинча ГОЭЛРО планининг 60 йиллиги байрамига ишга туширдилар. Биринчи агрегатни ишга туширишда жуда катта ишлар амалга оширилди. Бу, Чорвоқ ГЭСи қурилиш бошқармаси қурувчилари ва монтажчилари учун зарбдор объект бўлди. Чорвоқ ГЭС қурилиши бошқармаси ҳузурида штаб ташкил этилди. Мутахассисларнинг фикр ва мулоҳазалари тингланди. Илғор тажрибалар умумлаштирилди. Юз бераётган камчиликларнинг олди олинди. Қурилиш партия ташкилоти ва касаба союз комитети социалистик мусобақани кучайтиришга катта эътибор берди. Ғолиб бригадалар, участкалар ўз вақтида рағбатлантирилди.

ГЭС қурилишида ўзининг ҳалол меҳнати билан ном чиқарган қурувчилар, монтажчилар, мутахассислар катта фаолият кўрсатдилар. Ана шулардан бири Қобилжон Серлибоевдир. У бетончилар бригадасига бошчилик қиладн. Унинг бригадаси ибрат кўрсатиб, 1981 йил мусобақасида ҳамиша пешқадам. Ғолиб бригада коллективи область партия комитети ва область касаба союзлари Советининг вимпели билан мукофотланган. Энергетика иншооти қурилишида Қобилжон Серлибоев сингари пешқадамлар кўплаб топилади. Экскаватор машинисти Л. Майер, дурадгор Риқи Аҳмедов, ишчи Неъматжон Исмоилов, ғишт терувчи Тилла Ниёзов, бульдозерчи А. Земляков ўртоқлар 1981 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Ғазалкент ГЭСи 1-агрегатининг қуввати 40 минг киловатт-дир. Бу унчалик катта қувват бўлмаса ҳам, халқ хўжалигини янада илдам суръатлар билан ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшилди.

Нур бунёдкорлари яна олға интилмоқдалар. Улар бу йил яна шундай 2 та блокни ишга туширишга аҳд қилганлар. Ўрта Чирчиқ ГЭСлар тизмасининг сўнгги нурхонаси зарбдор суръат билан қурилмоқда. Шу кунларда қурилиш объектида бўлган киши ишнинг янада авж олганлигини, социалистик мусобақа кенг қулоч ёйганлигининг гувоҳи бўлади.

Ғазалкент ёғдуси... У ўзининг қуввати билан саноат корхоналарини, насос станцияларини ҳаракатга келтиради, хонадонларни нурафшон этади.

Шўх, асов дарё. Сен кимларни мафтун этмагансан. Бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон ҳам мафтун бўлиб, сенинг шаънингга куйидаги сатрларни битганди:

Чирчиқ бўйларида ёнар чироқлар,
Қаршимда зўр дунё очади чирой.
Қалбимда очмоқда бир дунё қўшиқ
Қор босган тоғларнинг тепасида ой.

Н. ҚАЮМОВ,
Бўстонлиқ районидаги «Коммунизм учун» газетасининг редактори.

●

Ғазалкент ГЭСи қурилиши участкаларининг бирида.

В. Портнов фотоси.



МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР темир йўллари министрлиги корхоналари ва ташкилотлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида

Юк-пассажир ташиш ўнинчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

II ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абросимов Александр Иванович — Ўрта Осиё темир йўли 351-қурилиш-монтаж поезди слесари.

Ғофуров Ҳафиз Давлетович — Тошкент йўл дистанцияси йўл мастери.

Диндун Станислав Борисович — Тошкент—Товар вагон депоси слесари.

Каримов Жалол — юк ортиш-тушириш ишлари Тошкент механизациялашган дистанция кран машинисти.

Козлов Владимир Дмитриевич — Тошкент тепловоз депоси мастери.

Тамбовцев Николай Павлович —давлат энергия таъминоти Тошкент участкаси электр монтери.

Титов Анатолий Михайлович — Тошкент—Пассажир вагон депоси мастери.

Шерматов Аҳмад — Тошкент шаҳар Товар станцияси юк ва багажларни катта қабул қилувчи ва топширувчиси.

II ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахмонов Абдулгазиз Абдуллаевич —Тошкент тепловоз ремонт заводи қолипловчиси.

Акчурина Гулдор Ҳамитовна — Шумилов станцияси юк ва багажларни катта қабул қилувчи ва топширувчиси.

Анненкова Зинаида Алексеевна — Тошкент темир йўл бўлинмаси машина ҳисоблаш станцияси оператори.

Беляев Александр Васильевич — В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени машинисти.

Захаров Рафаиль Айсерович — йўл электр механика устаханалари слесари.

Иброхимов Муҳаммад — Тошкент—Товар вагон депоси катта назоратчиси.

Қорабоев Қўчқор — Тошкент тепловоз ремонт заводи қозончиси.

Марков Александр Михайлович — Тошкент тепловоз депоси машинисти.

Махалова Светлана Рисқиевна — В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени электр монтери.

Мирханов Ҳаким — Салор йўл дистанцияси бўёқчиси.

Миршарипов Обид —Тошкент йўл дистанцияси монтери.

Мусин Анвар Махаррамович — Тошкент — Пассажир вагон депоси слесари.

Никишин Анатолий Валентинович — давлат энергия таъминоти Тошкент участкаси электр монтери.

Тошмуродов Давронбек Эшмурадович — Тошкент тепловоз депоси машинисти.

Тўлаганов Акмал Эгамбердиевич — Тошкент—Пассажир вагон депоси катта назоратчиси.

Хонкелдиев Худойберди Турғунович — Тошкент сигнализация ва алоқа линия дистанцияси электр монтери.

Хасанов Жўра Эрматович — Ҳамза станцияси юк ва багажларни катта қабул қилувчи ва топширувчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдулин Равил Шокирович — Тошкент сигнализация ва алоқа линия дистанцияси катта электр механиги.

Абдурахмонов Ўрозбой — Тошкент йўл дистанцияси монтери.

Крамова Маҳфуза —В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени фарроши.

Отаметов Тоҳир — Тошкент темир йўл бўлинмаси ишчилар таъминоти бўлимининг 49/50 магазини катта сотувчиси.

Аҳмедов Раҳмат — Тошкент—Пассажир станцияси ишчиси.

Вакулин Владимир Сергеевич — Шумилов станцияси поездлар тузувчиси.

Воропаев Иван Димитриевич — Тошкент темир йўл транспорти техникуми ўқитувчиси.

Ғуломов Аминжон —Тошкент тепловоз ремонт заводи термисти.

Исмоилов Шахобиддин Афандиевич — темир йўл хизмати бўлим бошлигининг катта навбатчи ёрдамчиси.

Қамбарова Екатерина Николаевна — пассажирларга хизмат кўрсатиш идорасининг кир ювувчилар бригадири.

Кондратьев Вадим Михайлович — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти доценти.

Костенко Галина Ивановна — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бўлим мудири.

Крючкова Екатерина Фёдоровна — Тошкент тиклаш поезди электр станцияси машинисти.

Лебедева Вера Александровна — Тошкент шаҳар товар станцияси юк ва багажларни катта қабул қилувчи ва топширувчиси.

Мирзаев Юсуп — юк ортиш-тушириш ишлари Тошкент механизациялашган дистанция юкчиси.

Михеев Виктор Дмитриевич — В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени слесари.

Назаров Фаттоҳ Абдуллаевич — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти доценти.

Нуриддинов Сирож — Шумилов станцияси юк ва багажларни катта қабул қилувчи ва топширувчиси.

Овчинников Андрей Андреевич — Тошкент тепловоз-ремонт заводи цех бошлиғи.

Позилов Шукур — Тошкент пассажир вагон депоси слесари.

Петров Валентин Александрович — Тошкент тепловоз ремонт заводи слесари.

Пўлатов Акбар — Тошкент-товар вагон депоси аккумуляторчиси.

Раҳимов Убайдулла — Тошкент-товар станцияси поездлар тузувчиси.

Тягушев Вячеслав Васильевич — Тошкент тепловоз депоси машинисти.

Удод Иван Иванович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим инструктори.

Умиров Мирзахон — Салор йўл дистанцияси монтёри.

Хрзброва Александра Антоновна — Тошкент йўл дистанцияси навбатчиси.

Шоилхомов Қулниёз — Шумилов станцияси вагонлар тезлиги ҳаракатини катта тартибга солувчиси.

Швецов Александр Тихонович — Давлат энергия таъминоти Тошкент участкаси катта электр механиги.

Янмурзин Боқижон Толипович — Тошкент тепловоз депоси машинист ёрдамчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдураҳмонов Мўминали — Давлат энергия таъминоти Тошкент участкаси электр монтёри.

Алимов Қаҳрамон Каттахўжаевич — В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени электр механиги.

Жабекова Тамара Бегназаровна — Тошкент-пассажир вагон депоси оператори.

Забелин Виктор Иванович — Тошкент тармоқ автобазаси автомобиль ҳайдовчиси.

Ирисбоева Татьяна Ефимовна — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти доценти.

Исмоилов Пўлдош — Тошкент тепловоз ремонт заводи мис эритувчиси.

Исмоилова Екатерина Кирилловна — Тошкент-товар вагон депоси бўёқчиси.

Қодирова Ҳолида — темирйўл хизматчи бўлим бошлиғи.

Қосимов Эркин Эргашевич — Тошкент-пассажир вагон депоси проводниги.

Кравцова Антонина Андреевна — Тошкент тепловоз-ремонт заводи электр монтёри.

Красная Вера Васильевна — Тошкент темир йўл бўлинмаси ёнилғи омбори ишчилари бригадири.

Кузмичева Евгения Леонидовна — «Дортрансфармуправление» омбори контролёри.

Литвинов Владимир Андреевич — Тошкент-товар вагон депоси катта назоратчиси.

Никоноров Александр Семёнович — Тошкент-тепловоз ремонт заводи слесари.

Парпиев Мирзааҳмад — Тошкент-товар вагон депоси слесарлар бригадири.

Поддимов Виктор Филиппович — Тошкент тепловоз депоси бошлигининг ўринбосари.

Притеев Юрий Семёнович — Қизил тўқимачи граждан иншоотлари дистанцияси ойна солувчиси.

Рагимова Мура Каниматовна — Тошкент шаҳар товар станцияси юк ва багажларни катта қабул қилувчи ва топширувчиси.

Раҳимжонов Қобилжон Собиржонович — Тошкент-пассажир депоси проводниги.

Ровман Рухля Берковна — Тошкент станцияси йўл касалхонаси врачи.

Садовников Аркадий Федорович — Тошкент темир йўл бўлинмаси ишчилар таъминоти бўлими дурадгори.

Содиқов Қобилжон Расулевич — Қизил тўқимачи станцияси поездлар тузувчиси.

Сазанова Соня Ҳалимовна — Салор йўл дистанцияси монтёри.

Семёнов Геннадий Алексеевич — Тошкент тиклаш поезди кран машинисти.

Смолников Марклен Владимирович — халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети бўлим инструктори.

Таташин Георгий Павлович — Тошкент сигнализация ва алоқа линия дистанцияси электр механиги.

Тошпўлатов Шавкат Шарипович — темир йўл бўлим бошлиғи.

Тарасов Степан Сергеевич — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти қозонхона директори.

Тилабоев Асамжон — Қизил тўқимачи граждан иншоотлари дистанцияси электр монтёри.

Титов Николай Дмитриевич — Тошкент-товар станцияси автомобиль ҳайдовчиси.

Умаров Абдувоҳид Аминжонович — В. И. Ленин номидаги метрополитен қурилиши Тошкент дирекцияси автомобиль ҳайдовчиси.

Умеров Анаф — Тошкент резерви бош кондуктори.

Файзиев Мирзоҳид Соатович — Тошкент-пассажир станцияси юк ва багажларни қабул қилувчи ва топширувчиси.

Хошимов Илҳом Қосимович — В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени слесари.

Чернова Анастасия Григорьевна — Тошкент-товар станцияси юк ва багажларни катта қабул қилувчи ва топширувчиси.

Чернолрудова Зинаида Ботирбековна — Тошкент тепловоз депоси контролёр-қабул қилувчиси.

Юнусов Жамолиддин Гавсутдинович — Тошкент граждан иншоотлари дистанция бўёқчиси.

Юсупов Турсунбой —Тошкент механизациялашган юк ортиш-тушириш ишлари дистанцияси кран машинисти.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил, 2 апрель.

ЎН БЕШ БИНОКОРНИНГ ТАШАББУСИ КЕНГ ҚАНОТ ЁЗСИН

«УНИВЕРСАЛЛАР» БРИГАДАСИ

«Ташюблсельстрой» трестига қарашли ўнинчи механизациялашган кўчма колоннадан Станислав Манапов бригадасида Бекобод районидаги Зафар посёлкасида касалхона қурилишидаги бетон ишларини авж олдириб юбориш учун зарур бўлган опалубкаларни ўз вақтида ўрнатишга дурадгорлар етишмас эди. Ана шунда бригадирнинг ўзи бригада ветерани Сейдабдулла Сейтумеров бошлиқ опалубкачилар звеносига оддий дурадгор бўлиб чиқди. Кечга томон бетончилар бетон қуя бошладилар.

Турдош касбларни ўзлаштириш — илғор бригаданинг шиоридир. Бригадир С. Манапов олтита қурилиш ихтисосини эгаллаб олган. Тажрибали дурадгор С. Сейтумеров ғишт терувчи, пайвандчи, бетончи ўрнида ишлай олади. Бетончилардан Маҳмуд Ражабов ва Мункой-Те ҳам шунча кўп ихтисосни эгаллашган. Бригада ветеранлари ёшларни ҳам дастлабки иш кунларидан бошлаб шунга йўллайдилар.

— Биз ўнинчи беш йиллик топшириғини уч йилда бажардик, — дейди бригадир. — Ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажармоқчи бўлган республикадаги ўн беш донғдор бинокорнинг ташаббусини эшитиб биз ҳам шундай маррани уддалай оламиз, деб қарор бердик. Иш вақтидан яна ҳам тежамлироқ фойдаланишни биз ўзимизнинг асосий резервимиз, деб биламиз. Шу боисдан ҳам ҳар бир киши бир неча ихтисосни эгаллаб олишига, исталган кишининг ўрнини боса оладиган бўлишига интилмоқдамиз.

Зафар посёлкасида С. Манапов бошлиқ бинокорлик бригадасини яхши билишади. Дорихона, давлат банкининг бўлими, мактаб, маданият уйи, кутубхона уларнинг қўллари билан бунёд этилган. Бу йил 240 ўринли касалхона комплекси фойдаланишга топширилади.

(ЎзТАГ мухбири).

ЭКОНОМИКА ТЕЖАМЛИ БЎЛСИН

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Ўрта Осиё республикалари қишлоқ хўжалик механизаторларига кўплаб минерал ўғитлар етказиб бермоқда. Бирлашманинг бошқа хил маҳсулотларига ҳам эҳтиёж тобора ортмоқда.

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларидан руҳланган чирчиқлик кимёгарлар ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Иқтисод ва тежамкорлик учун кураш, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларидан, мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш бирлашма ишчи ва хизматчиларининг диққат-эътиборида туришти.

Тежамкорлик учун курашда халқ назоратчилари айниқса актив қатнашмоқдалар. Улар ишлаб чиқаришда шахсий намуна кўрсатибгина қолмай, корхонада иқтисод ва тежамкорликни таъминлаш, бу соҳадаги баъзи хўжасизлик ҳолларига қарши кескин курашиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун барча зарур тадбир ва чораларни кўрмоқдалар. Бугунги саҳифамизда «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ назоратчилари тажрибаси тўғрисида ҳикоя қиламиз.

ЖАМОАТ БОЙЛИГИГА ОМИЛКОРЛИК БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛИШ, ЎЗИМИЗДАГИ ҲАММА НАРСАЛАРДАН ТЎЛА-ТЎКИС, МАҚСАДГА МУВОФИҚ ТАРЗДА ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗАГИ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.

ЭКОНОМИКА ТЕЖАМЛИ БЎЛИШИ КЕРАК — ЗАМОН ТАЛАБИ АНА ШУНДАЙ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўйлаб ўтказилаётган ҳар бир рейд ва текширув якунлари корхона халқ контроли комитети мажлисида жиддий муҳокама қилинмоқда, конкрет чора ва тадбирлар белгиланади. Суратда: комитет аъзолари навбатдаги рейд якунларини муҳокама қилмоқдалар.

ДАВР ТАЛАБИ

Коллективимиз бир неча йилдан бери иқтисод ва тежамкорлик учун курашда юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Бу соҳадаги ишларга бўлган эътибор КПСС XXVI съездидан кейин янада кучайди. Ишлаб чиқариш, цех, бригада ва смена коллективлари тежамкорлик бўйича аммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар.

Д. РИХСИБОЕВА,
бирлашма халқ контроли комитетининг раиси

«Экономика,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида,— тежамли бўлиши керак — замон талаби ана шундай». Бу сўзлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга, фойдаланилмаётган резервларни излаб топиш, чамаси ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга ундайди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақани ўтказиш тўғрисидаги қарори коллектив ижодий ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Янги беш йилликнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида қишлоқ хўжалигига пландаги 397900 тонна ўрнига 409840 тонна минерал ўғит етказиб берилди.

Социалистик мусобақада ишчи ва инженер-техник ходимларимиз янги ватанпарварлик ташаббусларини кўтариб чиқмоқдалар. Уларнинг аксариятини халқ назоратчилари бошлаб берганлиги биз учун, айниқса, қувончлидир.

Аммиак ишлаб чиқаришдаги А. Сафаралиев бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар сменаси КПСС XXVI съездидан сўнг «Ҳар бир иш соатидан энг юқори унум билан фойдаланайлик» деган шиор остида янги ташаббус билан чиқди. Бу ташаббус бирлашмамизда тобора кенг қулоч ёймоқда. Смена ишчилари эса технологик жараёнларни энг оптимал режимда амалга ошириш ҳисобига ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили планига қўшимча равишда 3 минг тонна аммиак ишлаб чиқаришга қатъий бел боғлаганлар. Улар кўзланган мақсадга эришиш учун ҳозирданоқ мустаҳкам замин яратмоқдалар. А. Сафаралиев ва унинг сменадошлари В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигигача пландан ташқари 1000 тонна аммиак ишлаб чиқардилар.

Эришилаётган муваффақиятлар билан бир қаторда бирлашмада камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Улар «Комсомол прожектори» аъзолари билан ҳамкорликда ўтказаётган рейдларимизда маълум бўдмоқда.

Халқ назоратчилари тежамкорлик учун курашиб, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда корхонага катта ёрдам бермоқдалар. Текширишларимизнинг бирида автотранспорт цехида ёнилғи-мойлаш материалларини ҳисобга олиш ва уларни сарфлашга бериладиган талонларнинг ишлатилиши кўнгилдагидек эмаслиги маълум бўлди. Жумладан, энг юқори сифатли А—93 бензини ноўрин ишлатилаётганлиги аниқланди. 17 та юк автомашинаси—А-76 маркали бензин борлигига қарамай 500 литр А—93 бензин олибди. Халқ назоратчилари цехда қатъий тартиб ўрнатиш юзасидан конкрет чоралар кўрдилар, айбдорларни жазоладилар.

Бирлашма халқ контроли комитети хўжасизликка қарши кураш, фойдаланилмаётган резервларни ишга солиш, моддий, ёнилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида кўпгина ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Цехлардаги халқ контроли группа ва постлари ташаббуси билан ортиқча сарф-харажатларни аниқлаш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. Техника тараққиёти, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва электр-энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилляпти.

Халқ контроли комитети иқтисод ва тежамкорликни таъминлаш бўйича белгиланган тадбирлар орасида бирлашма халқ назоратчиларига, «Комсомол прожектори» активларига, барча ишчиларга қарата қабул қилган мурожаати, айниқса, катта роль ўйнаяпти. Биз бутун коллективга мурожаат қилиб, КПСС XXVI съезднинг тарихий қарорларига жавобан иқтисод ва тежамкорликни янада яхшилаш ҳисобига 1981 йилда планга қўшимча равишда 10 минг тонна аммиак, 40 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш, камида 100 минг сўмлик хомашё ва материалларни тежаб қолишга чақирдик. Бу шунчаки қуруқ рақамлар эмас. Узоқ ўйлаб, ҳисоб-китоб қилиб, имконият даражаси билан мувофиқлаштирилган рақамлардир. Бизда яна чиқиндиларни тўплаш, энергетика ресурсларидан иккинчи марта фойдаланиш ҳисобига 800 минг гигакалорий иссиқлик энергияси қўшилиши кўзда тутилган. 20 миллион куб метр табиий газни тежаш имконияти бор.

Ҳозир белгиланган мажбуриятларни бажаришда халқ назоратчилари, комсомол активларини ва прожекторчилари, рационализатор ва ишлаб чиқариш новаторлари алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларида ишчилар, инженер-техник ходимлар иқтисод ва тежамкорлик учун курашга актив қўшилганлар. Улар тез-тез текширишлар ўтказиб, меҳнатни ташкил этишдаги камчиликларни очиб ташламоқдалар, хўжасизлик, талон-тарож, электр энергияси, иссиқлик, ёқилғи, хомашё ва моддий ресурслардан фойдаланишдаги исрофгарчиликка қарши курашмоқдалар.

Оммавийлик, таъсирчанлик ва ошкоралик халқ назоратининг муваффақиятини таъминлашнинг муҳим шартидир. Биз ўз фаолиятимизда ишнинг бу томонларига ҳам алоҳида аҳамият бераяпмиз. Бунда жамоат кўриги штаби ҳамма ишга бош-қош бўлмоқда. Штаб иқтисод ва тежамкорлик бўйича халқ назоратчилари ўтказаётган текшириш ва рейдларга раҳбарлик қилиб, мазкур текширишларнинг натижаларини умумлаштириб, кўп тиражли «Химик» газетаси саҳифасида ёритиб боради. Бундан ташқари халқ контроли ойнаси, «Молния» деворий газеталари ҳам шунга хизмат қилмоқда. Барча ишлаб чиқариш участкалари ва цехларда иқтисод ва тежамкорлик бўйича шахсий ҳисоб очилганлиги ҳам кўзланган мақсадга эришишда ёрдам бераяпти.

ТАЪСИРЧАН ТАШАББУС

Цехимизда сув, мой ва электр энергиясисиз ишлаб чиқаришни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам халқ назоратчилари бу қимматли ресурслардан фойдаланишнинг аҳволини доимий назорат остига олганлар. Бинобарин, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш цех учун ҳам, бутун корхона учун ҳам фойдадан ҳоли эмас.

С. КУЛЖАБОЕВ,
аммиак ишлаб чиқариш компрессияси цехининг машинисти, цех халқ контроли группасининг раиси

Лекин кўпдан бери сув, мой ва электр энергиясидан фойдаланиш бизни қониқтирмай келарди. Матбуотда Ўзсовпроф, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети, «Правда Востока» ва «Совет Ўзбекистони» газета редакцияларининг халқ назоратчиларига, «Комсомол прожектори» активларига, ишчи ва қишлоқ мухбирларига, республиканинг барча меҳнаткашларига «Ҳар ерда ва ҳар соҳада тежамкор бўлайлик» шиори остидаги мурожаати эълон қилингандан кейин биз ўз йигилишларимиздан бирини иқтисод ва тежамкорлик масаласига бағишладик.

Йиғилишда цехдаги барча резервлар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳисоб-китоб қилинди. Сўнгра ҳар бир халқ назоратчиси энергия ресурслари ва материаллардан фойдаланишни янада яхшилаш бўйича зиммасига оширилган мажбуриятлар қабул қилди. Бу мажбуриятларда асбоб-ускуналар ремонти сифатини доимий назорат остига олиш, технологик жараёнларни энг қулай шароитларда амалга оширишга кўмаклашиш, сув ва мой ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиб, камида 10 минг сўмлик хом ашё ва 90 минг киловатт соат электр энергиясини иқтисод қилиш ва бошқа яна кўплаб тадбирлар ўз ифодасини топди.

Бизнинг ташаббусимиз бирлашма халқ контроли комитетида кўриб чиқилди ва маъқулланди, унга кенг йўл очиб берилди.

Ўшандан бери орадан икки ой ўтди. Назоратчилар ўз сўзларининг устидан чиқиб, зиммаларидаги мажбуриятларини шараф билан уддаламоқдалар.

Тежамкорлик соҳасидаги ташаббус бошланмасдан илгари — февраль ойида цехда умумий тежамкорлик 4475 сўмни ташкил қилган эди. Кейинги ойларда бу кўрсаткич 7,5 минг сўмдан ошиб кетди.

Халқ назоратчилари цехимизда компрессорларни тўла қувват билан ишлатиш, машиналарнинг бекор туриб қолишига чек қўйиш ҳисобига планга қўшимча равишда 10 минг тонна аммиак ишлаб чиқаришни таъминлаш учун курашни авж олдириб юбордилар. Бунда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга оширайётган тадбирларимиз яқиндан ёрдам бераяпти. Биз бу йил камида минг сўм иқтисодий самара келтирадиган иккита рационализаторлик таклифи киритишга ҳам аҳд қилганмиз. Айни кунларда рационализатор ва ихтирочи назоратчиларимиз бу борада изланиш олиб бормоқдалар.

Маълумки, ташқилий ва оммавий-сиёсий ишларсиз мўлжалланган мақсадга эришиш жуда қийин. Цехимиз халқ назоратчилари бригада ва смена активлари ўртасида бу ишларни кенг кўламда олиб бормоқдалар. Ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш учун деворий газета, «Молния»лардан текшириш ва рейдлар натижалари муттасил ёритиб борилмоқда. Халқ контроли бурчагида группамиз ҳаёти акс эттирилмоқда.

Биз халқ назоратчиларига тажриба ва малакамизни ошириш устида ҳам тинмай иш олиб бормоқдамиз. Чунки назоратчилар ҳар соҳада билимдон ва ҳаммага ўрнак бўлишлари керак. Ишлаб чиқариш ва техникавий курсларимизда улар турли соҳалар бўйича ўз билимларини оширмоқдалар.

Бирлашма коллективи ҳозир ҳар ишда тежамкор бўлиш учун кураш бошланганлигида цехимиз халқ контроли группасининг ҳиссаси борлигидан биз фахрланамиз. Айни пайтда бу назоратчиларимиз масъулиятини янада ошириб, уларни доимо олдинги сафларда бўлишга ундайди.

Кўчқор Иномов бошчилик қилаётган халқ контроли группаси аъзолари рейдларда актив иштирок этмоқдалар. Рейд давомида улар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, ҳом ашёлардан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича қимматли тавсиялар бермоқдалар. Суратда: группа аъзолари рейд пайтида.

В. Шек фотолари.

Кўпчиликка суяниб иш кўрсанг, муваффақият дамроҳинг бўлади, деб бежиз айтишмайди. Буни К. Иномов бошчилик қилаётган халқ контроли бош группаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Группа бир йўла тўртта цехни ўз назоратига олган.

Бош группада план топшириқларининг бажарилиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини назорат қилиш, иқтисод ва тежамкорлик ҳамда социалистик мулк даҳлсизлигини назорат қилиш бўйича, ташқилий ишлар ва ошкоралик секторлари тузилган. Ҳар бир цехнинг ўзида халқ контроли группаси иш олиб боради.

Бош группа фаолиятида иқтисод ва тежамкорлик масаласи марказий ўринни эгаллайди. Ўтган йилнинг фақат иккинчи ярмидагина ўтказилган 30 та рейд ва текширишнинг аксарияти шу масалага қаратилганлиги ҳам буни кўрсатиб турипти.

Мазкур группа назоратчилари амалга оширган тадбирлар 13 минг сўмликдан зиёд иқтисодий самара берди. Кўплаб хомашё ва моддий ресурслар, электр энергияси тежаб қолинди. Цехларда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланди.

Бирлашмада бундай илғор группалар анчагина. Бизнинг бўлимимиз асосан шундай ташаббускор назоратчиларга суяниб иш кўрмоқда. Иқтисод ва тежамкорлик, социалистик мулк даҳлсизлигини сақлаш бўйича кейинги пайтда амалга оширган тадбирларимизда улар актив иштирок этдилар.

ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

Б. РЯБОВ,
бирлашма халқ контроли комитети иқтисод ва тежамкорлик бўйича штатсиз бўлимининг мудири

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

▲ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида 51 та халқ контроли группаси ва 2 та пост, шу жумладан 4 та бош группа фаолият кўрсатмоқда. Қарийб 400 ишчи, инженер-техник ходим халқ назоратчиси қилиб сайланган.

▲ Бирлашма халқ контроли комитети ҳузурида 7 та штатсиз бўлим ва 67 штатсиз инспектор иш олиб боряпти.

▲ Икки бошидан бери корхона халқ назоратчилари 200 дан ортиқ текшириш ва рейд ўтказдилар. Шулардан 119 таси иқтисод ва тежамкорликка қаратилди. Иқтисод ва тежамкорлик бўлимининг бевосита иштирокида эса ўн бир марта текшириш ўтказилди.

▲ Бу йил корхонада 20 миллион киловатт-соат электр энергияси, 5 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 300 тонна шартли ёқилғи, 100 минг сўмлик моддий ва хом ашё ресурслари тежаб колинади.

▲ Яқинда область халқ контроли комитети «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли комитетининг иқтисодий тежамкорлик режимини кўчайтириш бўйича бошлаган ташаббуси ва тадбирларини маъқуллади.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ

«Узградострой» бирлашмасининг Ангрендаги шаҳарсозлик бошқармаси коллективи бу йил 60 минг тонна металл прокати ва бошқа хил материалларни тежаб қолиш юзасидан мажбурият олган эди. Яқинда бошқарма халқ контроли группаси аъзолари бу мажбуриятга ўзгартиш киритишди. Улар йил давомида шунга қўшимча яна 10 тонна металл прокати, 15 тонна цемент, 35 минг киловатт-соат электр энергияси, 28 минг сўмлик қурилиш материалларини иқтисод қилиб қолишга аҳд қилдилар.

Бу ташаббус тезда бутун областга ёйилди. Биринчи бўлиб Бекобод автобус-таксомотор парки коллективи ўз йиғилишида материаллар ва хомашёлардан кўпроқ тежаб қолиш бўйича янги мажбурият қабул қилди. Транспортчилар йил давомида 28 минг литр бензин, 10 минг литр дизел ёнилғиси ва бошқа хил материалларни иқтисод қилиб қолишга отландилар.

Шаҳардаги норуда материаллар заводида ҳам тежамкорлик режимини кучайтириш бўйича янги тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирлар йил давомида қўшимча 20 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиш имконини беради.

Материал ва хомашёларни тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан бошланган курашда «Электрохимпром» бирлашмаси коллективи ҳозир олдинда келаяпти. Бу корхона назоратчиларининг иш тажрибаси газетамизнинг ушбу саҳифасида эълон қилинаяпти.

Область халқ контроли комитети ўз йиғилишида ташаббускор халқ контроли группалари ишини кўриб чиқиб, маъқуллади. Иқтисодий тежамкорлик бўйича бошланган ташаббусни барча жойда қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш ҳар бир группа ва постнинг шарафли бурчидир.

МОЛИЯВИЙ ИНТИЗОМ БУЗИЛМАСИН

«Ташкентводстрой» трестига қарашли 3-кўчма механизациялашган колоннадаги чалкашликларни кўриб кишн беихтиёр ёқа ушлайди. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида қурилаётган дала шийпони учун суворқчиларга 3 минг сўмдан ортиқ пул тўланди. Лекин қурилишда рўйхатдаги ишчиларнинг ҳаммаси қатнашдими? Йўқ. Ишчи Ханмов ўша кезларда командировкада бўлди. Аммо кўпчилик қатори рўйхатдан тушмади. Асосий иш жойидан ҳам ўртача маошини олди. Шу тариқа 237 сўм ортиқча ҳақ олиб, кайфини чоғ қилиб юраверди. Бош инженерга хизмат қилаётган автомобиль шофери Жакпаров маошни асосий иш жойи ҳисобланган автобазадан олади. Лекин у бунга қониқмай, бош инженернинг енгидан кириб ёқасидан чиқди. Йўлига 3-кўчма механизациялашган колоннанинг 4-разрядли слесари бўлиб олди. Шу қинғир йўл билан у 834 сўмдан кўпроқ маош олди.

Бундай аҳволни бошқа жойларда ҳам кўриш мумкин. Қозонхона ремонти, «Сағбон» объекти қурилишларида ҳам қинғир йўллар билан давлатнинг каттагина маблағи қонунсиз равишда ўзлаштирилди. Буларнинг ҳаммасидан колонна бошлиғи А. И. Волков ҳам, бош инженер М. М. Иброҳимов ҳам хабардор эдилар. Аммо улар молиявий интизом бузилаётганлигини кўра-била туриб, жиноятчиларнинг нафсини тиймадилар. Аксинча, уларга хайрихоҳлик билдирдилар. Колонна раҳбарларининг бундай лоқайдлиги область халқ контроли комитети йиғилишида қаттиқ танқид қилинди. Уларга виговор эълон қилиниб, маълум миқдорда пул жаримаси солинди.

МЕҲМОНХОНАЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРГАНДА

Шаҳар ва район марказларидаги меҳмонхоналар яқинда текширувдан ўтказилди. Рейд давомида меҳмонхоналар хизмати ва биноларнинг санитария-гигиена ҳолати кўп жиҳатдан талабларга мутлақо жавоб бермаётганлиги маълум бўлди. Шу боисдан ҳам 17 та меҳмонхонанинг категорияси ва разряди анча пасайтирилди.

Олмалиқ шаҳридаги меҳмонхонада меҳмонлар учун оддийгина қулайликлар ҳам йўқ. Душхона, ваннахона ишламайди. Юқори қаватларга эса сув чиқмайди. Янгийўлдаги меҳмонхонада эса канализация трубалари ишдан чиққан. Ерқ трубалардан сизниб чиқаётган сувдан пастки қаватлар нураяпти.

Қиш пайтида Бўка район меҳмонхонасидаги аҳвол область газеталарида яхшигина танқид қилинган эди. Лекин бу танқиддан район коммунал хўжалиги раҳбарлари тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Меҳмонхонадаги аҳвол ўзгармади. Ҳозир ҳам бу ерда ҳеч қандай қулайликлар йўқ. Шундай аҳволни Оққўрғон шаҳридаги меҳмонхонани кўздан кечирганда ҳам кўриш мумкин. Кир ювиш хонаси меҳмонхонанинг ёнғинасида жойлашган. Ёқимсиз ҳид хоналарга кириб туради. Инвентарлар эса жуда эски. Ҳисобдан чиқарилган пардаликлар стол устига ёзиб қўйилган. Кроватларга тўшалган простиналар сарғайиб кетган. Мебеллар ремонтга муҳтож.

Кўпгина меҳмонхоналар ремонти ниҳоятда сифатсиз бажарилган. «Облремстрой» трестига қарашли 48-бошқарма қурувчилари, айниқса, сифатсиз ишламоқдалар. Ремонт учун ажратилаётган маблағлар тўла ўзлаштирилмаяпти.

Рейд давомида турли йўллар билан меҳмонлар ҳақига хиёнат қилинаётганлиги ҳам маълум бўлди. Бундай ярамас ҳолларга тезда барҳам бериш керак.

Область халқ контроли комитети йиғилишида меҳмонхоналар ишидаги нуқсонлар область коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўртоқ Мирҳўжаевга кўрсатилди, меҳмонхоналардаги аҳволни, меҳмонларга кўрсатилаётган хизматни яхшилаш зарурлиги уқтирилди.

ДОИМИЙ СЕМИНАР

Р. БОЙҚОБИЛОВА,
бир билан таъминлаш цехи халқ контроли группасининг раиси

Бирлашмада халқ назорати группа ва постларининг раҳбарлари, штатсиз инспекторлар малакасини ошириш, илғор тажрибани кенг ёйиш мақсадида доимий семинар ташкил этилган. Семинар машғулотлари махсус ўқув плани асосида олиб борилмоқда.

Дастлабки машғулотларимизда бирлашма халқ контроли комитети раҳбарлари, партия комитети аъзолари иштирок этдилар. Семинарга илғор ишчилар, инженер-техник ходимлар, мутахассислар ҳам таклиф этиб турилади.

Яқинда доимий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида иқтисод ва тежамкорлик соҳасида олиб борилаётган ишларни яхшилаш учун қандай тадбирлар кўриш лозимлиги муҳокама қилинди.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ
ВАРАҚА № 5 (219)

ТАБИАТНИ АРДОҚЛАЙЛИК

ҚЎРИҚХОНА МЎЪЖИЗАЛАРИ

«Чотқол» қўриқхонасида республикамиз шароитида учрайдиган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг бой коллекцияси жамланган. Бунга қўриқхонада ташкил этилган музей залларини айланиб, киноҳавасқорлар суратга олган қисқа метражли фильмларни кўриб яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу ерга мактаб ўқувчилари тез-тез экскурсия уюштириб турадилар.

Экскурсиячиларнинг сўнгги группасини қўриқхона директори Виктор Михайлович Есипов «Табиат мўъжизалари» деб номланган алоҳида хонага бошлади. Янги ташкил этилган бу хонадаги ҳар бир экспозиция такрорланмаслиги билан киши диққатини ўзига жалб этади. Ёғоч ва буталарнинг турли кўринишлари, меваларнинг антиқа шакллари, шафтоли данагидан ишланган портрет ўқувчиларни ҳайратлантиради.

Табиат мўъжизалари сони ортиб бораётир.

БОЛАЛАР КЎЗИ БИЛАН

Пойтахтдаги М. Горький номидаги болалар маданият ва истироҳат боғида катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Бу ерда «Табиат — болалар кўзи билан» деган тематик кўргазма очилади. Уни табиатни муҳофаза қилиш область жамияти тайёрламоқда.

— Областимизнинг барча шаҳар ва районларида ана шу мавзуда кўргазмалар бўлиб ўтди, — дейди жамият масъул секретари Н. Симановская.— Юздан ортиқ энг сара экспонатлар область кўргазмаси учун танлаб олинди. Ҳозирданоқ Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Оржоникидзе районлари ёш табиатшунослар ёшларга ихлосмандлари тайёрлаган материалларга юксак баҳо бериш мумкин.

Область кўргазмаси ўзига хос мусобақага айланиб кетади. Энг яхши экспонатлар тайёрлаган коллективлар жамиятнинг дипломлари, фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланадилар.

ВЕТЕРАННИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Улуғ Ватан уруши ветерани Анвар Одилов чин табиат ихлосманди. Унинг шахсий ташаббуси ва Янгийўл районидаги 42-ўрта мактаб ўқувчиларининг ёрдами билан мана беш йилдирки, Х. Турсунқулов номли колхозда табиат музейи ишлаб турипти. Музей экспонатлари асосан ноёб ўсимлик турларидан, СССР Қизил китобига киритилган қушлар, балиқлар ва ҳайвонларнинг қотирилган нусхаларидан иборат. Уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда.

Яқинда колхоз правлениеси ветераннинг илтимосини инобатга олиб, табиат музейи учун кенг ва ёруғ хона ажратиб берди. Энди барча экспонатларни намойиш этиш имконияти туғилди. Улар эса жуда кўп. Куни кеча музей билан 5 мингинчи томошабин, танишди.

Шунингдек, музей қошида ёшлил патруллар, ёш табиатшунослар, ёш мерганлар тўгараклари ҳам ишлаб турипти. Уларга ҳам Анвар Одилов раҳбарлик қилади.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

КОМПОЗИТОР УЙ-МУЗЕЙИ

Республикамизда кўпгина уй-музейлар мавжуд. Атоқли санъаткорлар, машҳур фан ва маданият арбоблари учун ўрнатилган бундай хотира масканларни ўз безаги ва ранг-баранг экспонатлари билан ажралиб туради.

Яқинда Тошкентда атоқли сўз санъаткори С. П. Бородин уй-музейи очилди. Қатор тарихий романларнинг муаллифи бўлган бу севимли ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақидаги экспонатлар ана шу ерда жамланди.

Яна бир уй-музейни «Марказ-1»даги 20-уйнинг 25-квартирасида ҳам ташкил этишга киришилди. Бу ерда СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати, профессор Мухтор Ашрафий истиқомат қилган эди. Эндиликда ушбу квартира атоқли «композитор номи билан юритиладиган уй-музейга айланади.

Улкан санъаткор ижодининг жонли кўзгуси бўлиб қоладиган бу даргоҳга кўпгина экспонатлар тўпланди. Уй-музей композитор туғилган куннинг 70 йиллигида очилади.

С. ОДИЛОВА.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЖИДДИЙ МУЛОҚОТГА ДАЪВАТ

Чет эл матбуоти, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Грузия ССР билан Грузия Коммунистик партияси 60 йиллигига бағишланиб, Тбилисида ўтказилган тантанали мажлисдаги нутқини ҳамон шарҳламоқдалар. Унинг нутқида энг ўткир ва актуал халқаро проблемаларни бартараф этиш мақсадида, планетадаги қалтис нуқталарни тугатиш мақсадида, жиддийлик билан сиёсий мулоқот ўтказишга, музокаралар бошлашга қилинган даъватга алоҳида эътибор берилмоқда.

Болгарияда чиқадиган «Отечествен фронт» газетаси Л. И. Брежневнинг нутқини уруш ва тинчликнинг асосий проблемалари юзасидан сиёсий мулоқотга даъват, деб баҳоламоқда. Бу нутқ, деб таъкидлади газета редакцион шарҳида, Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг принципиал ва реалистик йўлини, унинг кескинликни юмшатишни ва тинчликни жонбозлик билан ҳимоя қилишга тайёрлигини яна бир карра тасдиқлади. Совет раҳбари мулоқот ҳамда ҳалол, амалий музокаралар йўли билан муҳим проблемаларни ҳал этиш, дунёдаги кескинликни камайтириш зарурлигини яна бир бор уқтириб ўтди.

Л. И. Брежневнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятни сиёсий воситалар билан ҳал этиш йўлларига тааллуқли фикрларини кенг кўпчилик маъқуллаб кутиб олди.

Л. И. Брежневнинг Яқин Шарқ юзасидан халқаро конференция чақириш тўғрисидаги таклифи Совет Иттифоқининг жуда масъулиятли пайтда ўртага қўйган ва барча араб халқларининг тақдирига даҳлдор бўлган муҳим ташаббусидир, деб ёзади Иорданияда чиқадиган «Ар-рай» газетаси ўзининг бош мақоласида. Ливандаги вазият кескинлашганлигидан шу мамлакатга қарши яна кенг миқёсда агрессия бошлаш учун фойдаланишга тайёргарлик кўраётган Исроил совет раҳбарининг нутқида қаттиқ огоҳлантирилди. Газета араб мамлакатларини янги уруш можаросига йўл қўймаслик ва Яқин Шарқ регионининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган совет тинчлик ташаббусларини қатъият билан қўллаб-қувватлаб чиқишга чақиради.

Совет Иттифоқи, деб таъкидлайди Бангладешдаги «Шунгбад» газетаси, Яқин Шарқдаги воқеалар хатарли тус олаётганидан жиддий равишда ташвишланиб, астойдил тинчликка интилмоқда ҳамда аланга олиб, бутун шу районга ёйилиши мумкин бўлган уруш ёнғинига йўл қўймаслик учун ҳамма ишни қилмоқда. Совет ташаббуслари совет ташқи сиёсатининг таркибий қисми бўлиб қолган тинчлик тўғрисидаги ғамхўрликдан яқол далолат беради.

Л. И. Брежнев, деб уқтиради **Замбия ахборот агентлиги** ўз шарҳида, миллион-миллион фаластинликларнинг чекаётган жабру-жафоларига ва Исроил ҳарбийлари дастидан қонга беланаётган Ливаннинг тақдирига бепарво қараб туриб бўлмаслигини таъкидлади. Замбия Яқин Шарқдаги аҳволга берилган мана шу баҳога тўла-тўкис қўшилади, деб уқтиради агентлик.

НАТОнинг Ғарбий Европада ўртача олисликка учадиган янги Америка ракеталарини жойлаштириш тўғрисидаги хатарли қарори хусусида Л. И. Брежнев айтган фикрлар айниқса Европа мамлакатларида катта эътибор қозонди.

КПСС ва Совет давлати раҳбарининг нутқи, деб ёзади Венгриядаги «Мадьяр хирлап» газетаси, СССРнинг музокараларга доимо тайёрлигидан далолат беради. КПСС XXVI съездида ўртага қўйилган тинчлик ташаббуслари ўз аҳамиятини мутлақо йўқотмаганини, аксинча бу ташаббусларнинг актуаллиги ошиб бораётганини замонннинг ўзи кўрсатди. Дунёдаги аҳволни шакллантиришда Европа бениҳоя муҳим роль ўйнайди, шу сабабли Л. И. Брежневнинг Тбилисидаги нутқида Европа қитъасидаги аҳволга катта эътибор беради. Шу билан бирга Совет раҳбари айтдики, Совет Иттифоқи Америкаиинг СССРга ва унинг иттифоқчиларига мўлжал олдириб қўйилган янги ракета-ядро қуроли Европада жойлаштирилишини оқибатсиз қолдирмайди. Агар шундай бўлса, у қўшимча мудофаа тадбирлари тўғрисида ўйлаб кўришга мажбур бўлади.

(ТАСС, 25 май).

ЕЛИСЕЙ САРОЙИДА СУҲБАТ

ПАРИЖ, 25 май. (ТАСС). Франция Республикасининг Президенти Ф. Миттеран бугун Елисей саройида Франция Компартиясининг Бош секретари Ж. Маршени қабул қилди. Бир соат давом этган учрашувдан кейин Ж. Марше журналистларга Ф. Миттеран билан суҳбатда кўпгина ички сиёсий ва халқаро проблемалар муҳокама қилинганини айтди.

«Биз республика президенти сайловида эришилган муваффақиятни парламент сайлови давомида мустаҳкамлашга Франция Компартияси тайёр эканини айтдик. Биз французлар муштоқ бўлган янги сиёсат амалга оширилиши учун ҳукуматда ҳам, шунингдек бошқа барча погоналарда ҳам бутун масъулиятни ўз зиммамизга олишга тайёрмиз», — деди Ж. Марше.

Бу суҳбат президентнинг мамлакатдаги асосий сиёсий партиялар намояндалари билан бугун ўтказиш мўлжалланган учрашувлари доирасида бўлиб ўтди.

БТА АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

СОФИЯ, 25 май. (ТАСС). БТА агентлигининг хабар қилишича, Туркия авиакомпаниясига қарашли ДС-9 самолётини олиб қочиб, экипажни Болгариянинг Бургас шаҳридаги аэродромга қўнишга мажбур қилган кишилар ушланиб, зарарсизлантирилдилар. Самолёт Истамбул-Анқара маршрути бўйлаб учиб кетаётганида олиб қочилган эди. Самолёт ичида 112 пассажир бор эди.

Самолёт ўғриларини қўлга тушириш операцияси Болгария хавфсизлик органлари томонидан ўтказилди. Операция чоғида ўғриларнинг бири пассажирлардан бир неча кишини яралаб қилди.



ГФР, Тинчлик, бирдамлик ва қуролсизланиш учун кураш комитетининг немис тинчлик иттифоқи ва Германия Компартиясининг даъвати билан Боннда мамлакатнинг турли шаҳарларидан келган 40 дан зиёд ёшлар, хотин-қизлар, антифашист ва бошқа демократик ташкилотлар вакилларининг намойиши бўлиб ўтди. Суратда: намойиш қатнашчилари. А. Григорьев фотоси.

Спорт

ИККИНЧИ ЛИГАДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Мамлакат чемпионати иккинчи лига Ўзбекистон зонаси иштирокчилари ўртасида навбатдаги ун иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Пешқадамлик қилаётган Сирдарёнинг «Янгиер» ва Фарғонанинг «Нефтяник» командалари сафарда ўйнаб, уз активларига яна иккитадан очко ёзишга муваффақ бўлишди. Агар «Нефтяник» «Хива» футболчилари билан бўлган унинда 3:0 ҳисобида устун келган бўлса, «Янгиер» «Қаршистрой»га қарши бўлган ўйинда бир тўп фарқ билан 3:2 ҳисоонда ғалабага эришди.

Шу турнинг қолган ўйинлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Ҳисор» — «Соҳибкор» — 1:0, «Автомобилист» — «Старт» — 3:1, Нариманов номли колхоз командаси — «Семетей» — 4:0, «Амударё» — «Навбаҳор» — 0:2, «Хоразм» — «Олой» — 4:1, «Ҳужанд» — «Ёшлик» — 1:1, «Пахтачи» — «Шаҳрихончи» — 4:0.

Ўн икки турдан сўнг 20 очко тўпланган «Нефтяник» жадвални бошқариб боряпти. «Янгиер» футболчилари ҳисобида 19 та очко бор. Наманганнинг «Навбаҳор» командаси 16 очко билан учинчи ўринда.

УЧ ЎЙИН, УЧ ҒАЛАБА

Ёшлар ўртасида бокс бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари давом этмоқда. Челябинск шаҳрида дастлабки уч тур учрашувлари бўлиб ўтди. Республикамиз вакиллари бу беллашувларда муваффақиятли қатнашдилар. Улар Белоруссия командасини 8:4, Арманистон вакилларини 9:3 ва кучли Ленинград боксчиларини 10:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Спортчиларимиз тўртинчи ва бешинчи тур ўйинларини Ворошиловград шаҳрида Қозоғистон ва Украина командалари билан ўтказишади.

ВЕНЕРАНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Киевда бадиий гимнастика бўйича мамлакат шахсий команда чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон спортчилари РСФСР, Украина ва Грузия командаларидан кейин тўртинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Гимнастика билан эндигина уч йил шуғулланаётган Титтов номли спорт интернат мактаби толибаси 16 ёшли Венера Зарипова шахсий ҳисобда 70,95 балл тўплаб, иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди ва кумуш медаль билан тақдирланди. У чемпионлик шоҳсупасига бир неча бор кўтарилган машҳур Ирина Дерюгина сингари спортчини орқада қолдирди.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ 1981—82 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали сотувчи ва сотувчи контролёр-кассирларни икки йўналишда тайёрлайди:

боққолчилик-кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;

газлама, тикув буюмлари, пойабзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик моллари.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ИЛ.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига Ўзбекистон ССР шаҳарларида яшайдиган 15 дан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) бўлган, 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ КОНТРОЛЁР-КАССИР» деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги улгюр магазинларда: бош универмаг — ГУМ; «ГАСТРОНОМ» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ва «УНИВЕРСАМ»ларда ўтказилади.

Назарий машғулотлар билан ишлаб чиқариш практикаси ҳар 3 кунда алмашади.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, квалификацияси бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, бундай битирувчилар, педагогика советининг қарорига мувофиқ, билим юртини битириб бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар (битирувчилардан 10 процент).

Билим юрти қошида кечки ўрта мактабнинг 9, 10 ва 11-синфлари ишлайди. Ўқиш кундузги соатларда ўтказилади. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, халқ депутатлари совети область ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юрти адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати; 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари), Телефон: 78-44-30.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети «УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослашган трести базасидаги 11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1981—82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчилар, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналар бўйича электр монтажчилар, электр слесарлар, электргаз пайвандчилар, иккиламчи ҳалқасимон коммутациялар бўйича электр монтажчилар, контроль-ўлчаш асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильм текшириш ишларини бажара оладиган), радиотелевизион аппаратларга хизмат қилиш ва ремонти бўйича радиомеханик (фақат 10 синф ҳажмида маълумотлилар).

Ўқиш муддати—1—2—3 йил.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

8—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва касб эгаллайдилар. Улар кунда 3 маҳал овқат ва қийим-кечак билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганларга (киномеханиклардан ташқари) ойига 76 сўм ҳажмида стипендия берилади. Электр монтажчилар группасининг ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасини тўлиқ даврларида топган иш ҳақларининг 50 процентини, қолганлар эса—33 процентини оладилар.

Билим юртида эшкак эшиш ва бокс бўйича ихтисослаштирилган спорт группалари тузилмоқда.

Совет Армияси сафидан запасга бўшатилиб электр монтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирган ёшларга ётоқхоналар жой берилади. Ўқиш муддати қисқартирилган—10 синф ҳажмда маълумотлилар—7,5 ой, 8-синф ҳажмда маълумотлилар эса—10,5 ой ўқийдилар.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини тамомлаганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳода тамомлаганлар ўқишни давом эттириш учун ўрта ёки олий ўқув юртларига ўқишга юборилади. Уларнинг корхоналарда ишлашлари шарт эмас.

Билим юртида яхшигина спорт базаси бор, спортнинг 14 та секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, автобиография, характеристика, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома, медицина, турар жойидан справкалар. (3х4 см.) ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Аризалар—соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 18, 33, 34, 45, 54, 58, 66, 70, 79-автобуслар; 4, 7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

БЕТОН ОЛАСИЗМИ? ПУЛИНИ ЧЎЗИНГ!

— Бу бино ўзбек меъморчилигининг гўзал намуналаридан ҳисобланади,— ҳикоя қилади экскурсовод. Бино қуббаларининг рангларини кўриб турибсиз. Бўёқлар офтоб тиғида неча асрлаб турса-да, аслини йўқотмаган. Ҳануз дилларни ром этади. Бинонинг бунёд этилганига тўрт юз йилдан ошди, қандай қурилган бўлса, шундай сақланган.

Кимдир луқма ташлади:

—Мана бу бинонинг қурилганига қанча бўлган?

— Қарши томонидаги янгигина бино бироз чўккан шекилли, бўш ташланган тизимчадек узун дарз кетган.

— Бу бинонинг тикланганига ҳали тўрт юз кун ҳам бўлгани йўқ.

Гурр кулги кўтарилди.

— Лекин бу ҳақда маълумот бериш,— гапни давом эттирди экскурсовод.— маршрутимиз программасига кирмайди.

Ҳақиқатан мазкур бино ҳақида маълумот бериш экскурсия программасига кирмас эди. Билакс фельетон мавзуидир.

Қарасанг суқинг киргудек, қанот кераб учишга шайланиб турган оққушдек гўзал бинолар нега энди бундай тез тоб ташлар экан? Ҳар бир бино битгунча архитектор ақл-заковатини сарфласа, ҳисоблаш машиналарини ишга солиб, ҳар чизиқни тортганда етти ўлчаб бир кесса, лойиҳа тайёр бўлгач доно мутахассисларнинг чийриғидан, сўнг қурилиш ташкилотлари синовидан яна бир карра ўтса, заводларга буюртмалар берилса, ўр техника ёрдамида бунёд этилса-да, бевақт ишдан чиққан кемадек тоб ташлаб турса? Сўнг машмашасига қанчаданқанча ташкилотлар овора. Турли идораларга шикоятлар ёмғирдек ёғила бошлайди: «Не ниятлар билан кўчиб кирган уйимиз авария ҳолатида», «Биринчи қаватни зах босиб, ремонт қилишга улгура олмаяпмиз», «Уйимизга сув уриб кетаяпти».

Бугунги бизнинг «экспериментимиз» албатта бу қусурнинг сабабларини тўла очмаса ҳам «эгасига теккунча» ридан иборат. Уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда.

Яқинда колхоз правлениеси ветераннинг илтимосини инобатга олиб, табиат музейи учун кенг ва ёруғ хона ажратиб берди. Энди барча экспонатларни намойиш этиш имконияти туғилди. Улар эса жуда кўп. Куни кеча музей билан 5 мингинчи томошабин, танишди.

Шунингдек, музей қошида ёшлил патруллар, ёш табиатшунослар, ёш мерганлар тўгараклари ҳам ишлаб турипти. Уларга ҳам Анвар Одилов раҳбарлик қилади.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

КОМПОЗИТОР УЙ-МУЗЕЙИ

Республикамизда кўпгина уй-музейлар мавжуд. Атоқли санъаткорлар, машҳур фан ва маданият арбоблари учун ўрнатилган бундай хотира масканларни ўз безаги ва ранг-баранг экспонатлари билан ажралиб туради.

Яқинда Тошкентда атоқли сўз санъаткори С. П. Бородин уй-музейи очилди. Қатор тарихий романларнинг муаллифи бўлган бу севимли ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақидаги экспонатлар ана шу ерда жамланди.

Яна бир уй-музейни «Марказ-1»даги 20-уйнинг 25-квартирасида ҳам ташкил этишга киришилди. Бу ерда СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати, профессор Мухтор Ашрафий истиқомат қилган эди. Эндиликда ушбу квартира атоқли «композитор номи билан юритиладиган уй-музейга айланади.

Улкан санъаткор ижодининг жонли кўзгуси бўлиб қоладиган бу даргоҳга кўпгина экспонатлар тўпланди. Уй-музей композитор туғилган куннинг 70 йиллигида очилади.

С. ОДИЛОВА.

ГУЛЛАР ОҒУШИДА

Қувноқ музика садолари янграйди. Бир хилда кийиниб олган болалар даврага тушди. Улаф қизларни ўртага таклиф қилдилар. Рақс тугаши билан қарсаклар янгради. Сўнгра болалар хори ижросида қўшиқ бошланди.

Октябрь районидаги «Хуршид» номли болалар боғчасида кичкинтойлар ўз вақтларини ҳамиша ана шундай сермаъно ва мазмунли ўтказишади. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 165 ўринга мўлжалланган икки қаватли бу кичкинтойлар маскани ибрат олса арзигудек. Замонавий жиҳозлар, турли ўйинчоқлар, ўқув қуроллари авиасозлар фарзандлари ихтиёрига бериб қўйилган. Боғча ҳовлисини айтмайсизми? Кенг ҳовлига турли дарахтлар, анвойи гуллар ўтказилди. Болалар турли тадбирларни, байрамларни соя-салқин жойларда, гуллар оғушида ўтказишади.

— Бундан ташқари спорт майдончаларида кичкинтойларнинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан баркамол ривожланишлари учун турли ўйинлар ташкил этамиз, — дейди боғча мудираси, тажрибали педагог Лазокат Абдужаббарова. — Ота-оналар, айниқса, В. Сергеева, И. Зубровская, Х. Юсупова, Л. Сорокина, Н. Аҳмедова каби тарбиячиларимизнинг хизматларидан мамнунлар.

Н. ИНОҚОВ.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 29 майда чиқади).

Редактор Н. НАСИМОВ.

Фельетон

Сергелидаги бетон қоришма узелидан юк олган 56—20 ТНД, 17—94 ТНМ, 32—95 ТНД номерли «ЗИЛ-555» маркали машиналардаги бетон қоришмалари текширилганда ҳам кам чиқди. Бунинг устига қоришмаларнинг сифати ГОСТ талабларига жавоб бермасди, баъзи машиналарда бетон эмас, сув аралаш шағал тўкилганга ўхшарди.

Мана энди экскурсиячиларнинг саволига андак бўлса ҳам жавоб топиш мумкин. Қурилишлар учун ажратилаётган бетон қоришмаси ҳам эмидан, ҳам бўйидан «иқтисод» қилинаверса, бинолар қисқа умр кўришига «маҳкум» этилганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Унда «иқтисод» қилиб қолинаётган ортиқча цемент, шағал, қум қаерда қолди, деган ўринли савол тугилади. Биз ҳам шунга дорламиз. Улардан ном-нишон йўқ. Аммо бетон музқаймоқ эмаски, туриб қолиб эриб сув бўлиб кетган бўлса?! Аксинча, қоришма узоқ турса қотиб қолишини ҳамма билади-ку! Эритишмас ҳам экан; увол қилиб қотиришмас ҳам экан. Осонгина йўлини топишибди. Қишгир қўлли олғирлар қоришмани текин даромад манбаига айлантиришган, қўйишган. Ўртада нафс ҳам бор-да, нафс. Билиб қўйсангиз зарар қилмайди. Мабодо бетон зарур бўлиб қолса... мана диққат билан уқиб олинг.

Цемент ортилган яна бир ўзиюгдарар машина катта кўчадан чап томонга «чап» ният билан бурилди. Шофер Э. Тоҳиров машинани эпчиллик билан бошқарар экан, кўзлари бежо, харидор изларди. Бир зумда харидор ҳам топилди. «Бор барака» ҳам бўлди. Пул чўнтакда-ю... цемент «тегишли» қурилишда. «Главташкентстрой»га қарашли автокорхонаси шофери Э. Тоҳировнинг шу кунги рейси ўнгидан келмади, қўлга тушди. Худди шу корхонанинг шофери Р. Машрабов ҳамкасбидан кўра «тажрибали»роқ экан. Аввалдан мижоз билан келишиб қўйиб, қоришмани етказаркан-у, пулини қуртдеккина санаб олиб, яна машинани учирганча қайтиб кетаверар экан. Ана шундай «чап» рейсларнинг иккинчисида харидордан 80 сўмни санаб олаётганида «ҳалақит» беришди. Табиий рейсга бошқа чиқа олмади. Шу куни атиги икки машина бетонни ўмарганди холос. «Главташкентстрой»нинг 2-автокорхонаси шоферлари В. Володин, Р. Гозиевлар ҳам худди ана шундай «чап»га қатнаб турганларида хиргойилари ўзилиб қолди.

Бундай мисолларни анчагина келтириш мумкин. Қурилишлар учун жўнатилаётган бетон қоришмаларини пуллаб, муҳим давлат ишига зарар етказаётганларнинг рўйхати шугина эмас. Биз айримларини кўрсатдик, холос. Лекин бу гиҳром кишилар қурилаётган биноларнинг сифатини қоришма кераклигини жуда яхши билишади. Бироқ нафслари ўйнаб, давлат, эл-улус манфаатини, оқибатсиз қолдирмайди. Агар шундай бўлса, у қўшимча мудофаа тадбирлари тўғрисида ўйлаб кўришга мажбур бўлади.

(ТАСС, 25 май).

Ш. ТОЛИБЖОНОВ, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси, УБХСС бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.

Б. ПУЛАТОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Телевидение

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — «Орлёнок». 10.50 — «Оқибат». Бадиий фильм. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Сув остида мўлжалга олиш бўйича СССР кубоги. 16.25 — «Шахмат мактаби». 16.55 — «Горнчилар, қаердасиз!». 17.40 — Концерт. 18.15—Илмий-оммабоп фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.55 — Инсон ва қонун. 20.25 — «Давлат чегараси». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — «Қувноқ йигитлар». 23.10—Дунё воқеалари.

Ўз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 12.05 — Концерт. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.15 — «Камалак». 18.45 — Ҳужжатли кино экрани. 19.30— Ахборот. 19.45 — Етти кўл. Телефильм. 20.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Пиллачиларнинг меҳнат рапортлари. 22.20 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22.35 — «Вақт тўхтаб турмайди». Бадиий фильм, 2-серия.

II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Абитуриентлар учун. 19.30 — Телевизион новеллалар театри. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Реклама. 20.35 — Олий математика.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27 IV да Ун учинчи рейс, 28 IV да Кузнинг биринчи куни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27 IV да Ишонмасанг ўланг, 28, 29 IV да Гулсара.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334043; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир—325894.

Р. 02017. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1613.